

Jarayon 2

**Konstitutsiya —
huquqlarimiz tayanchi**



Жаҳондаги барча давлатларнинг бош қонуни Конституция ҳисобланади. Конституция, мазмун-моҳиятига кўра, мамлакат, унинг фуқаролари ҳаётида муҳим аҳамиятга эга.

Taqdir 4

**Ko'ngil ko'ngildan
suv ichsa...**



Мўътабар кичиклигида қаттиқ шамоллаб қолди. Шунданми, эшитмайди, гапиролмайди. Уни Ёйилмадан узоқроққа, Зарбдор туманидаги 1- сонли заиф эшитувчилар мактаб-интернатига беришди. Мактабда кунт билан ўқиди, қизиқишлари жуда кўп эди.

В LASIZMI? 12

**Qo'l soatlarining
tarixi va bugun**



Жорий йилнинг ноябрь ойида Женева шаҳрида ўтказилган "Only Watch" хайрия аукционида "Patek Philippe" да ишлаб чиқарилган ягона нусхадаги қўл соати 7,3 миллион Швейцария франки (7,26 миллион доллар)га сотилди.

Bashorat QODIROVA:

“ENG OLIY MUKOFOT, BU VATANGA MUHABBAT, XALQINGA XIZMAT”!



Башорат опа туманимиз, нафақат туман балки, вилоятимиз пиллакорларининг фахрийсига айланган мўътабар аёл. Ҳалоллиги, меҳнатсеварлиги, инсонпарварлиги, оилалар тинчлиги учун тиним билмаслиги инobatга олиниб, “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил”, “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 25 йил” эсдалик нишонлари билан рағбатлантирилган. Энг қувонарлиси шуки, ўтган йили “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишонига сазовор бўлган қишлоқ хўжалиги ходимининг, онахонимизнинг юзидаги зиё, қалбидаги муҳаббат таърифини китобларда ёзса арзийди.

HAR HOLDA DIPLOMLI MUTAXASSIS-DA...



– Душанба куни менинг ўрнимга маърузага кириб бермайсанми? – деди устига оқ халат илиб олган йигит.

– Майли, – деди кўринишидан ундан анча ёш йигитча.

– Лекин савол берса-чи, мен тиббиётда ўқимайман-ку, билиб қолса-чи?! Жавоб беролмаслигим мумкин...

BOLALAR – XAZINAMIZ



Пойтахтимиздаги 100-сонли таянч-ҳаракати нуқталарида нуқсон бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатда «Болалар бизнинг хазиналаримиздир» номли маърифий хайрия тадбири бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси жорий йилнинг октябрь ойида ихтисос тармоқларда мазкур мактабни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш гоёсини

маълум қилган эди. Ушбу гоё асосида ўтказилаётган тадбирдан мақсад: имконияти чекланган болаларга манзилли ёрдам бериш, мактаб, ота-она ва жамоатчилик ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш ҳамда ўқув муассасасига жамоат ташкилотининг хайрия ёрдами кўрсатиш бўйича янги ташаббусни ижрога йўналтириш, мунтазамлик касб этган ҳамкорликни йўлга қўйишдир.

Энг эътиборли томони шундаки, ушбу хайрия тадбирига Элмира Боситхонова ташаббуси билан хотин-қизлар кўмиталарининг фаоллари, мамлакатимизнинг турли соҳаларида масъулиятли лавозимларда фаолият юри-

таётган раҳбарларнинг рафиқалари таклиф этилиб, улар мазкур хайрия лойиҳасига жалб этилди.

Шунингдек, тадбирда мактабнинг 6-синф ўқувчиси, "Марказий Осиё янги талантларни излайди!" лойиҳасида "Шукр қилинг" номли шеъри билан кўпчилики ҳайратлантирган қизалоқ Ирода Ҳузорова ҳамда ўзгача сеҳрли овоз соҳибаси Ҳилола Рустамоваларни Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодликка тайёрлаб бориш топшириги берилди.

Тадбир давомида Элмира Боситхонованинг: "Биз бу болаларни имконияти чекланган, деймиз. Йўқ, ундай эмас. Инсон иродаси шундай бир кучки, унинг чеки-чегараси биз ўйлагандан кўра кенгрок. Мана шу қоракўз болаларнинг истеъдоди,

қобилияти, ҳаракати бунинг исботи эмасми? Сизнинг имконингиз чекланмаган, болажонлар, қонингиз ва ичингизда кучли имконлар яшайпти, менга ишонинг!" – деган сўзлари болалар қалбидаги истиҳолани позитив қарашга ўзгартирди.

Ҳар йили 3 декабрь санасига алоҳида эътибор қаратишдан мақсад барча мамлакатлардаги каби жисмида нуқсонли бор инсонларнинг кадр-қимматини ҳимояловчи қонунлар ва тартиб-таомилларнинг жорий этилишини таъминлаш, тенг ҳуқуқлиликни қарор топтириш орқали барча учун очик ва дўстона бўлган жамият қуришдан иборат.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси Матбуот хизмати



KONSTITUTSIYA – HUQUQLARIMIZ TAYANCHI

Жаҳондаги барча давлатларнинг бош қонуни Конституция ҳисобланади. Конституция, мазмун-моҳиятига кўра, мамлакат, унинг фуқаролари ҳаётида муҳим аҳамиятга эга.

Конституциямиз мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишнинг ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз бош Қомусида жамият ва давлат, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари тузилиши ҳамда фаолиятининг асосий принциплари, уларнинг ваколатлари, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва бурчлари, жамият ва шахс ўртасидаги муносабатлар белгилаб қўйилган. Амалдаги барча қонунлар ва бошқа ҳужжатлар Конституция негизида ва унга мувофиқ тарзда қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Кон-

ституцияси 6 бўлим, 26 боб, 128 моддадан иборат бўлиб, унда мамлакатимизни ҳуқуқий, демократик жиҳатдан ривожлантиришнинг асосий принциплари белгиланган. Халқимизнинг асрий орзу-умидлари, Ватанимиз равнақи, юртимиз фуқароларининг бурч, ҳақ-ҳуқуқ ва манфаатларини ўзида мужассам этган Қомусимиз халқро ташкилотлар ва экспертлар томонидан эътироф этилган. Бу эса мустақил давлатимизнинг дунё ҳам-жамиятидаги нуфузини ошироқда ва мустаҳкамламоқда. Айтиш мумкинки, бош Қомусимиз кучли давлат-



дан кучли фуқаролик жамиятига ўтишнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

Барчамизга яхши аёнки, Конституциямиз қабул қилинганидан буён миллий давлатчиликни шакллантиришнинг пухта ҳуқуқий асослари яратилди, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқлари ташкил этилди, ижтимоий ва фуқаролик жамияти институтлари фаолияти йўлга қўйилди, иқтисодий эркин бозор муносабатларига ўтказиш жараёни амалга оширилди, миллий ва умуминсоний кадриятларимиз, тарихий ва бой маданий меросимиз

тикланди.

Бугунги кунда юртимизда 130 дан ортик миллат ва элат вакиллари Конституция ҳимоясида ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликда яшаб меҳнат қилмоқда. Уларнинг ўз тили, миллий аъёна ва урф-одатларини давом эттиришлари, Ўзбекистон фуқароси сифатида эмин-эркин яшашлари бош Қомусимиз билан кафолатланган.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг "Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари" деб номланган 10-боби муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳаётдаги рўёби, уни ишончли амалга оширилиши мураккаб жараён ҳисобланади. Истиқолнинг асл моҳияти инсонни ва унинг ҳаётини улуғлашдир.

Абдор ҚУДРАТОВ,
Тошкент вилояти Пскент тумани маъмурий суди раиси

“XALQARO IQTISODIY ALOQALAR” MAVZUSIDA SEMINAR-TRENING

Тошкент шаҳар Сергели тумани 6- давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида 8-9 синф ўқувчилари ўртасида "Халқаро иқтисодий алоқалар" мавзусида семинар-тренинг ўтказилди. Унда туман мутасадди ходимлари, ҳудуддаги тадбиркорлар, мактаб директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, ўқитувчилар ҳамда ўқувчиларнинг ота-оналари иштирок этишди.

Мазкур семинардан кўзланган мақсад устоз-шоғирд аъёнаси асосида ўқувчиларнинг иқтисодий билим асослари фанидан саводхонлигини холисона баҳолаш, уларнинг билимларини амалиётда қўллаш қобилиятини ривожлантириш ва инновация фаолиятини яхшилашга қаратишдан иборат.

Тренингда ўқувчилар ўзлари тайёрлаб келган кўргазмали қуроллар, слайдлар, деворий газеталар асосида беллашишди. Ўқувчилар томонидан билдирилган фикрларни ўрганиб чиқиб, умумлаштириш мониторинги олиб борилди.

Шаҳноза ҲАЗРАТҚУЛОВА,
Сергели тумани 6-ДИУТ мактаби ўқитувчиси.

“BIZGA ACHINMASIN, BIZGA UMID BERSIN”

Ён-атрофимиздаги ногиронлиги бор одамларга доимо ачиниб қараймиз, раҳмдиллигимизни кўрсатмоқчи бўламиз. Аслида улар биздан қандай ёрдам кутади? Ачинишимизга ёки раҳмимиз келишига муҳтожми? Юртимизда имконияти чекланган инсонлар учун шарт-шароит яратилган, ҳуқуқлари қонун-қоидалар билан қафолатланган. Бундан кўзланган мақсад улар ўзларини шу жамиятнинг тўлақонли, фаол аъзоси сифатида ҳис қилиши. Аммо биз айна пайтда ногиронлиги бор инсонлар учун барча шарт-шароитлар яратилган, орамизда улар ўзларини эркин ҳис қилади, деб айта оламизми? Ўзбекистон ногиронлар жамиятининг раиси Ойбек Исоқов бу ҳақда жуда кўп нарсаларга аниқлик киритди.



НОГИРОНЛИК УМИДСИЗЛИК ДЕГАНИ ЭМАС

Ҳар қандай жамиятнинг маънавияти болалар, қариялар ва ногиронлиги бор кишиларга нисбатан муносабати орқали аниқланади. Одамлар орасида юрамиз, тadbирларда бўламиз, кўпчиликнинг фикрича “ногирон” сўзи “умидсизлик”, “умидсиз касал” тушунчаси билан боғлиқ. Масалан, бизни касаллик ёки имкониятимиз чекланганлик азобламайди. Бизни иложсиз, кўмасиз қолдирадиган нарса бу — атроф-муҳит, жамият, одамларнинг лоқайдлиги ёки омма ўртасидаги стереотиплар. Журналистлар томонидан бошқаларнинг раҳмини келтирадиган кўрсатувлар, эшиттиришлар тайёрланиши, мақолалар ёзилиши. Ва биз ҳақимизда кўпроқ хайрият ташкил қилиниши билан боғлиқ бўлган масалаларнинг кўтариб чиқилиши. Ногиронлиги бор одамларга ҳамisha мотивация бериш керак. Шунда улар ўз устида ишлайди, янада фаол бўлади.

ТАРҒИБОТНИ КУЧАЙТИРИШ ЗАРУР

Ногиронлиги бор болаларнинг дунёга келиши қайғули эканлигини биринчи ўринга қўйишдан ҳам кўра уларнинг кучли томонини, фаоллигини, уларнинг ҳам қўлидан кўп иш келишини, иродасини кўрсатиш, турли ногирон жамоат ташкилотларининг фаолларининг қилаётган ишларини оммага кенг тарғиб қилиш лозим. Афсуски, ногиронлар қарор қабул қилишлари ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тadbирларда иштирок этадиган мутахассислар сифатида бўлишлари эса камдан-кам ҳолларда кўрсатилади. ОАВ ходимлари ногиронлар жамоат ташкилотлари фаолиятини суст ёритишади. Саксондан ортиқ бўлган бундай ташкилотлар нима учун тузилган, уларнинг мақсад, вазифалари нималардан иборат, айтиб бераоласизми, йўқ. Қачонки журналистлару блогерлар томонидан уларнинг мақсадлари, муаммоларини кўпроқ кўтариб чиқилсагина тўсиқсиз муҳит ҳақида гапирish мумкин. Уларга ҳар доим нишонланаётган байрамлар энгиллик ёки бирор муаммоси ҳал қилинишига ёрдам бермайди. Масалан, қанчадан-қанча жамоат ташкилотларининг фаол, ҳаракатчан раҳбарлари бор. Уларнинг эришаётган ютуқлари, тажрибалари ёритиб борилса, ногиронлиги бор болаларга ҳам умид бермайдими? Ташкилотлар раҳбарлари ва фаоллари ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Ҳарқалай, бу ҳақда гапирish керак, чунки ногиронлиги бор одамлар, айниқса,

болалар учун ўз ҳаётида, ишда муваффақиятга эришган қахрамонлар бўлиши муҳимдир. Ижобий тажриба ва ютуқлар ёритилмаса, улар умидсизланиб ёшлик давриданок ўз орзуларига интилишдан воз кечдилар.

“ТЎСИҚСИЗ МУҲИТ” НИМА ДЕГАНИ?

Қонунларимизга кўра, агар офисларда аравачалар ҳаракатланиши учун пандуслар бўлмаса, ногирон-



лар учун 3% фоизлик бандлик квотаси бўлмаса ўша ташкилотлардан жари-ма олиниши керак. Аммо бизда бу механизм ишламайди. Қолаверса, қаерга боришни истасак, албатта, бирор муаммога учраймиз. Транспортларда ёки мактабларда, ўкув муассасаларида, дўконларда, катта-катта супер маркетларда пандуслар, аравачалар ҳаракатланиши учун махсус йўлақлар етишмайди. Тошкентда бино ва иншоотларнинг фақатгина 23 фоизи ногиронларнинг эҳтиёжларига мослаштирилган. Қишлоқлардаги аҳволниқуман гапирмасак ҳам бўлади. Яна мослаштирилган транспортнинг етишмаслиги, автобуслар ва бошқа турдаги транспортларда йўлни осонлаштирадиган ёрдамчи воситалар (овозли маёқчалар) йўқлиги ҳам катта муаммо. Айтинг-чи, шундан кейин ҳам мана шундай тўсиқларга дуч келган

кўзи ожиз, эшитиши чекланган, аравачага михланган инсонларнинг эркин ҳаракатланиши ва ўз ҳуқуқларини амалга ошириш имкони ҳақида гап бўлиши мумкинми? Бекатларнинг бирортасида ногиронлиги бор кишиларга қулайликлар мавжуд эмас. Хўш, буни ким назорат қилади? Албатта, Меҳнат вазирлиги ва Бош прокуратура, аммо энг ачинарлиси суд ва прокуратура биноларининг ўзи ҳам қонун талабига жавоб бермайди.

МАҚСАДИ

“Шаҳар ҳамма учун” лойиҳаси — бу тўсиқсиз шаҳар муҳитини яратишга, ҳаракатчанлиги чекланган одамларга, ногиронларга ва барча шаҳар аҳолисига қулайлик яратишга қаратилган лойиҳа.

Инклюзив жамият сиёсатининг муваффақиятли амалга оширилиши баҳолаш мезонлари ногиронлар учун шаҳар инфратузилмасининг, шу жумладан, уй-жой, транспорт, таълим, бандлик ва маданият, шунингдек, ахборот ва алоқа каналларининг мавжудлигидир.

Лойиҳанинг асосий мақсади инклюзив шаҳарни яратишдир, яъни барча аҳоли, шу жумладан, ҳаракатчанлиги чекланган одамлар ва ногиронлар учун тенг имкониятлар яратилади. Ногиронларнинг жамият ҳаётининг

болаларнинг цирк томошаларига ёки ҳайвонот боғига боришига уларнинг аравачалари учун пандуслар йўқлиги халақит беради. Шунинг учун биз Ҳайвонот боғи ва Ўзбекистон циркида биринчилардан бўлиб шарт-шароити яратилишини тўсибга олдик. Яна қуйидаги объектлар лойиҳанинг асосий манзиллари ҳисобланади: Чилонзор тумани ҳокимияти, “Халқлар дўстлиги” саройи, Фафур Ғулор номидаги истироҳат боғи, “Панорама” кинотеатри, “Хумо Арена”, Педагогика институти, Фарход бозори, Яккасарой тумани давлат хизматлари агентлиги каби объектлар намуна учун таъмирланади.

Тошкентда бино ва иншоотларнинг фақатгина 23 фоизи ногиронларнинг эҳтиёжларига мослаштирилган. Уйғунлаштирилган транспортнинг етишмаслиги, автобуслар ва бошқа турдаги транспортларда йўлни осонлаштирадиган ёрдамчи воситалар йўқлиги катта муаммодир. Буларнинг барчаси кўзи ожиз ва эшитиши чекланганлар ва бошқа ногиронлиги бор инсонларни эркин ҳаракатланиш ва ўз ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятидан маҳрум этади.

НОГИРОН БОЛА УЙДА ЎҚИСА, АТТЕСТАТ БЕРИЛМАЙДИ...

Мамлакатимизда 700 мингдан ошiq ногиронлиги бор шахслар бўлса, шуларнинг 110 минг нафарини болалар ташкил қилади. Улардан 40 минг нафари ихтисослашган мактабларга боради. Демак, 70 минги уйда таълим олишга мажбур. Бир мисол айтаман: Оддий мактабларнинг бирида жисмоний тарбия ўқитувчиси қандайдир айби учун жазо сифатида ногирон болага дарс бериш учун жўнатилади. Ва у ўша болага химиядан, биологиядан хуллас, барча фанлардан дарс беради. Айтинг-чи, жисмоний тарбия ўқитувчиси асосий фанлардан дарс бера оладими? Ўша ўқитувчи жазоланганими, аммо у боланинг айби нима, имконияти чекланганими? Яна бир маълумот, уйда ўқиган болаларнинг бирортаси олий таълим муассасаларига ўқишга қиролмайди. Чунки уларга аттестат берилмайди, маълумотнома билан кифояланишади...

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ...

Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси ногиронлар ҳуқуқлари ва бу соҳада халқаро стандартлари бўйича “Ногиронлар Ҳуқуқлари тўғрисидаги” Конвенция талабларига жавоб берадиган “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқди. Ўша қонун лойиҳасида юқоридаги барча муаммоларнинг ҳуқуқий ечимлари ўз аксини топган.

Қонун лойиҳасига кўра ногиронлиги бўлган шахсларнинг ногиронлик белгиси бўйича камситишларсиз, жамиятнинг бошқа аъзолари билан биргаликда ижтимоий интеграциялашуви, уларнинг ҳаётининг барча жабҳаларида иштирок этиш имкониятини қафолатлаш мақсадида ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини бошқаради ҳамда инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинлигига риоя қилинишига асосланади. Агар ушбу қонун лойиҳаси тасдиқланса, уйлайманки, ногиронлиги бор инсонлар ҳаётига энгиллик кириб боради ва жамиятнинг фаол аъзосига айланишиди.

Барно СУЛТОНОВА

KO'NGIL KO'NGILDAN SUV ICHSA...

Бу мақола ҳаётда тенгдошларидан бирозгина фарқ қилувчи икки ёш ҳақида бўлиши керак эди. Лекин суҳбат жараёнида аслида уларнинг яқинларига, хусусан, оналарига ҳам бағишланиши кераклигини тушундим. Зарбдор туманидаги Янгиобод қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Уллижон Турдиева билан суҳбат бунга ойдинлик киритади.

ЧЕКИНГА ТУШСА...

Уллижон опа ўғли уч ёшга киргунча жуда қийналди. Уни тушуниш, бирор нимани ўғлига тушунтиришдан нақ эсдан оғай дерди. Кейин вазият бироз енгиллашди... Норқўзини Янгибўстондаги 1-сонли заиф эшитувчилар махсус мактаб интернатида берди. У ерни битиргач, Самарқанд вилоятидаги имконияти чекланган болалар коллежида дурадгорлик бўйича тахсил олди. Она минг орзу-умидларда бир уста йигитга шогирдликка беришга чоғланди. Аммо унинг: "Болагиз эшитмас, гапирмас, унга қандай қилиб хунарга ўргатаман", деган гапларидан дили ваирон бўлди. "Чекинга тушса, чекчайма", деган мақол бор. Шу оғир юк бўйнига тушган экан, она фарзанд учун тоғларни кўпоришга тайёрдир. Опа ўғлини олиб яна бошқа устага чопди. Ҳартугул, инсофли киши экан, Ориф уста боласини шогирдликка олишга рози бўлди. Опа ундан бир умр миннатдор... Ҳозирги кунда ўғли яхши уста бўлиб етишган, туманда уй жиҳозлари ясаш билан шуғулланади. Ёғоч ўймакорлиги дейсизми, темир билан ишлаш, хоҳ электр ишлари, ҳаммаси қўлидан келади.

– Келин излаганимизда ўзи ўқиган махсус мактаб-интернатда бир яхши қиз борлигини айтди. Кўз остига олиб юрганми, бир совчи юбориб кўринглар, хўп дейишса, келин қилсангиз, деди. Айтганини қилиб қизни сўраб бордик, тушунган оила экан, рози бўлишди. Турмуш курганларига уч йил бўлди.

МЎЪТАБАР

Мўътабар кичиклигида қаттиқ шамоллаб қолди. Шунданми, эшитмайди, гапиролмайди. Уни Ёйилмадан узокроққа, Зарбдор туманидаги 1-сонли заиф эшитувчилар мактаб-интернатида беришди. Мактабда қунт билан ўқиди, қизиқишлари жуда кўп эди. Устози Лола Хусанова ундаги интилишни кўриб, рассомлик тўғрисида жалб этди, мусаввирлик сирларини ундан аямади. Буни кўриб ота-онаси Жиззах санъат коллежига ўқишга топ-



ширишига кўнишди. Қиз рассомлик, дизайнерлик, зардўзлик, безак тиқиш, ҳайкалтарошликни ўрганди, буларнинг бари унинг ўз келажагини йўлга қўйишда асқотди.

– Келиним зиёли оиладан, ўзи ажойиб, истеъдодли, – дейди Уллижон опа. – Хизматдан сира бўйин товламайди. Одамларга меҳрибон. Ёлгон сўзни хуш кўрмайди. Устози Лолаҳонга катта миннатдорлик билдиришни хоҳлайман. Ҳозирда учовимиз бирга маслаҳатлашиб, иш олиб борамиз.

Мўътабар бугун "Мансурбек" МЧЖ ўқув марказининг раҳбари сифатида фаолият юритади. Бу ерда бир неча тиллар ўргатилади, тикувчилик, дизайнерлик бўйича ўқитилади. Ёш тадбиркор тўрт ой ичида 148 нафар хотин-қизларни ўқитди. Улардан 100 нафари "Бўстон текстиль" корхонасига ишга жойлашди. Яна 48 нафари "Азиза текстиль"



тикувчилик корхонасига ишга кирди. Интилишларининг ортидан жорий йилнинг июль ойида Республика Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан ташкил этилган танловда гран при соҳиби бўлди. 82 миллион сўмлик грант ютиб олиб, тумандаги, маҳалладаги хотин-қизларни бепул ўқитиб, қўлларига сертификат берди. Кўплаб тўрт мучаси соғу аммо "олма пиш, оғзимга туш" деб ўтирадиганлардан фарқли, у сира тиниб-тинчимайди. Оиласидан, шунча ишдан ортиб, ўзи таълим олган махсус мактаб-интернатда тўғрак раҳбари ҳамдир.

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАР

Эр-хотин иккиси ҳам икки йилдан бери Жиззах педагогика институтига рассомлик соҳасига ҳужжат топширади. Бу йил Мўътабарга бироз балл етмай қолди, шартнома асосида ўқишга кирувчилар рўйхатида илдинди. Лекин оиласини, моддий аҳолини уйлаб ўқимади. Бюджет асосида киришга уриниб кўрмоқчи. У қатор кўрик-танловларда фахрли ўринларни эгаллаган. Уринишларининг ортидан ҳаммага ўрнаклиги боис, Ёшлар иттифоқи томонидан вилоятда унга имтиёз асосида икки хонали уй ажратилди. Яқинда Зулфия номидаги Давлат мукофоти бўйича туманда ғолибликни қўлга киритди.

– Келинимнинг онаси биздан миннатдор. Бошқалар бўлганида балки ўз касбига йўналтирмасди, қизимнинг ёнида бунчалик турмасди деб. Санъат йўналишида ўғлим қатори келинимни ҳам қўлдан келгунча имконият яратиб, қўллаб-қувватлаётганман. Бугун у яратётган миллий хунармандчилик намуналари, кўғирчоқлар, суратларнинг харидорлари бор. У маҳалламиздаги қизларга ҳам тақинчоқлар ясашни ўргатади. Махсулотларини ички бозо-

римизга тарқатамиз, қўшниларга ҳам тикиб беради. Бозорга бирга бораман, керакли жиҳозларни харид қилишига ёрдам бераман. Одамлар ҳам "айрим соғлом аммо беғам одамлардан кўра бу иккиси аъло", дейишади. Бири 25, иккинчиси 26 ёшда, келгусида иккисининг ҳам институтга кириб, ўқишини хоҳлайман.

САБР ОРТИДАН КЕЛАР ЯХШИЛИК...

Уллижон Турдиеванинг олти нафар фарзанди бор. Ҳаммаси уйли-жойли, бир ўғил, бир қиздан неваралари бор. Ўзи ҳам фаол аёл, ҳамшираликдан пенсияга чиққанига бир йил бўлишига қарамай, "Адолат" СДПнинг фаол депутатларидан бири. Турмуш ўртоғи Хусан Отажонов ҳам шифокор.

– Келиним ҳам, ўғлим ҳам одамлардан яхшилгини аямайди, қўшниларим билан аҳил. Маҳалламизда иккисиниям хурмат қилишади. Чунки улар саломини қанда қилмайди, одамларни хурмат қилади. Улар бизни алдамаса, биз ҳеч қачон алдамимиз, ахир худо борку, дейди. Ҳаммага яхшилиқ қилиш керак, сенгайм қайтади, деган фикрда. Яна кечаю кундуз ўйлаганлари, фарзандлари соғлом туғилишини истайди. Иккиси ҳам Президентимизни яхши кўради, улардан миннатдор. Соғлом тенгдошлари қатори уларга ҳам улкан имкониятларни яратиб берапти. Келиним Зулфия номидаги Давлат мукофотини олсам эди, Президентимиз билан кўл бериб кўришардим", деб орзу қилади. Машаққатлар оз бўлмади, албатта, энди ортда қоляпти деб ўйлайман. Кексайганимда ҳаётда ўз ўрнини топиб, ҳалол нонини еб, ўз тенгдошлари билан бирга-бирга юрсин, деган ниятда ёрдам бериб келяман.

Уллижон опа: "Бошимдан ўтганлари нечта китоб бўлиб кетади, айтганларимнинг ҳаммасини ҳам ёзмам, эшитиб ёшларнинг кўнгли бузилмасин", – деди. "Фақат яхшиларини, фарзандларимнинг ютуқларини ёзинг, токи уларнинг ҳам келажакка умиди, интилиши юксак бўлсин", деди. Унинг сўзларида сабрнинг, эзгуликнинг самараси йилт этиб буй кўрсатди, секингина Янги йилда оиламиз кўпайишиб қолади, деди жилмайиб.

Ҳаётнинг машаққатлари, синовларига инсоннинг яқинлари, қариндошу қондошлари елкадош бўлмас, ҳар қандай тўрт мучаси соғ одамнинг ҳам қанотлари қайрилиб қолиши мумкин. Ҳатто чопар, девкор отлар ҳам бир-бирига суяниб чопади, сабаби, ёлғиз отнинг чанги чиқмас. Дарахту гиёҳлар ҳам бир-бирига буй бериб, чирмашиб кўкаради. Шундай экан, фақат яхши умидлар билан, сабрга таяниб яхшиликлар излаш ва топиш ҳаммага nasib бўлсин.

Холниса РАҲМОНҚУЛОВА.

“OITSSiz hayot” mavzusida ma’naviyat soatlari

Ота-она муносабатларидаги ўзаро ҳурмат, соғлом турмуш-тарзи, қадриятларимиз, удумлари-мизда ва буюқ тарихимизда ҳам ўз аксини топган. Оиламизнинг давомчилари бўлган фарзандларимизни тўғри йўлда кетиши келажакка соғлом, ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб етишишига уларнинг ота-оналари билан мактабдаги таълим бераётган устозлар ҳам масъулдирлар.


Наманган шаҳар 39-умумий ўрта таълим мактаби бошланғич синф ўқитувчилари Гулсора Хузайнова,

Наргиза Исоқова ва Гулзода Рустамова томонидан 1-декабрь "Бутун жаҳон OITSSга қарши кураш" куни муносабати билан "OITSSiz ҳаёт" мавзусида маънавият соатларида маърузалар, расмлар ва диктантлар танловлари ўтказилди. Танловда ғолиб бўлган ўқувчилар муносиб тақдирланди. Бу танлов ўқувчини ватанга, оилага, атрофдагиларга бўлган меҳр-муҳаббатини шакллантиришга хизмат қилади деган умиддамиз.

Шоира ЖҲҲАЕВА,
Наманган шаҳридаги 39-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси.



HAR HOLDA DIPLOMLI MUTAXASSIS-DA...



ТИББИЁТ КЕЛАЖАГИ КИМЛАРИНИНГ ҚЎЛИДА?

1-хўлат. (Ижтимоий тармоқдаги постдан қисқартириб олинди) Шифохонадаман. Беихтиёр уч йигитнинг суҳбатига гувоҳ бўлдим.

– Душанба кuni менинг ўрнимга маърузага кириб бермайсаними? – деди устига оқ халат илиб олган йигит.

– Майли, – деди кўринишидан ундан анча ёш йигитча.

– Лекин савол берса-чи, мен тиббиётда ўқимайман-ку, билиб қолса-чи?! Жавоб беролмаслигим мумкин...

– Савол бермайди, фақат маъруза бўлади холос, – дея костюм-шимда, сочини силлиқ қилиб телага тараган, учинчи йигит суҳбатга аралашди.

– Фақат тўполон қилмасанг, эътиборни тортмасанг, дим (жим демоқчи шекилли) ўтирсанг бўлди.

– Неччигача ўтиришим керак? – деди ёш йигит. – Соат 8:30 дан 13:20 гача, ўртада танафус билан. Савол бермайди. “Жавоб...” ишонч билан давом этди биринчи йигит. – Бу маъруза. Ҳа, айтганча, йўқламада менинг фамилиям айтилганида бир оғиз “мен” десанг бўлди.

Уларнинг суҳбатини эшитиб, рости, тиббиётимиз келажаги нақадар “ишончли” кўлларида эканидан кўриб кетдим... Шу йигит эртага қайсидир тиббиёт муассасасида кимдир даволайди-я... дея куюниб ёзади гувоҳ.

Бугун юртимизда тиббий маданиятни ошириш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш борасида салмоқли ишлар олиб борилаяпти. Узоқ қишлоқларда ҳар жиҳатдан қулай ва замонавий тиббиёт муассасалари қурилиб, замонавий тиббий анжомлар билан жиҳозланяпти. Энди бу яхши ишларни етук, ўз касбини сирасорларини чуқур биладиган кадр масаласи билан бир бутун тасаввур этиш кераклиги юқоридаги ҳолатдан кейин кишини ўйга толдиради-да. Ўйлантриш табиий. Бу билан тиббиёт соҳасида таълим олаётган ёшларнинг ҳаммаси шундай демоқчимасми? Масаланинг оғрикли жойи етукликдан узоқ “мутахассис” га учраб қолишда. Баъзан ўзаро суҳбатларда мураккаб тиббий муолажа учун “Ҳиндистонга бориб келди”, “Туркияга бориб келди” қабилдаги гап-сўзлар қўлогимизга чалиниб қолади. Бунда онгимизга энг биринчи “Узимизда яхши мутахассис йўқ-да” деган фикр уйғонмайди дея ишонч билан айта оламизми? Ёки бўлмаса, яхшигина маблагга хориджа муолажа олишга отланган инсоннинг: “Шу ўзимизда бўлса қани эди?!” деган

истаги йўқми? Албатта, бор. Аммо малякали етук кадрлар борасида бундай оғрикли вазиятларга аҳён-аҳёнда дуч келсак ҳам бу катта йўқотиш бўлиши мумкинлигини ёдимизда сақлашимиз жоиз. Бу борада давлатимиз томонидан яратилган шарт-шароит ва имкониятлардан самарали фойдаланиб, шифо истаб келган ҳар бир беморни ҳаётга соғлом қайтаришга сидқидилдан киришадиган қўли энгил шифокорлар борлигини тан олишимиз керак. Қолаверса, эртага шифокор бўламан деган мақсадда тунни тонга, кунни тунга улаб ўқиб ўрганаётган ёшларимиз борлигини ҳам.

ТҮЙМА-ТҮЙ ЮРИБ, АШУЛА АЙТАСАНМИ?

2-хўлат. Ҳамкасб дугоналаримдан бири ишхонасида 2-босқич талабасига амалиёт раҳбари этиб бириктирилибди. Амалиётнинг биринчи кундаёқ ҳалиги талаба очик-ойдин журналистикага умуман қизиқишим йўқ, дебди. Ноилложликдан шу соҳада ўқиётгани аслида санъат соҳасига ихлоси баландлигини айтибди. Ота-онасининг қистови билан санъат олийгоҳига эмас, айнан журналистика йўналишига ҳужжат топширишга мажбур бўлганини ҳам яширмабди. Онасининг: “Тўйма-тўй юриб, ашула айтасанми? Бу ҳақда умуман оғзингни очма”, дея танбех берганини қўшиб қўйибди.

– Майли санъат соҳасига қизиқишингиз бўлса, ҳозир журналистикада ҳам ихтисослашиб фаолият олиб бораётганлар жуда кўп. Билганларингиздан, қизиқишларингиздан келиб чиқиб, санъат соҳасини ёритишингиз мумкин, – дея тақлиф билдирди, дугонам. Аммо амалиётчисининг: “Бу соҳада ишлашга умуман иштиёқим йўқ”, деган сўзлари дугонамнинг ҳафсаласини пир қилганини куйиниб айтиб берди.

Журналист халқнинг кўзи, элнинг овози бўлиши керак. Касб танлаш борасида қизиқишлари, истаклари айрим сабабларга кўра тўғилибқў бўлганлардан етук мутахассис, айнан журналист чиқишига ишонасизми? Биз журналистларни бор воқеликни ёритишда нунокликда кўп айблаймиз. Бу бир ёқлама тўғри бўлиб кўрингани билан орамизда шу халқнинг дарди-ташвишига елка тутаман деб елиб-югуриб толмайдиган ижодкор ҳамкасбларимиз оз дейсизми? Йўқ, улар жуда кўп, мақсад-муддаолари ҳам баланд. Бугун шижоат билан ўз сўзини дадил айта оладиган журналистлар сафи ортиб борапти. Аммо юқоридаги касб танлаш-

да “адашган мутахассис” бўлиб жамиятга қай йўсинда сингиб кетиш йўлини ахтараётганлари ҳам йўқ эмас. Вазиятнинг энг ташвишли жиҳати кучли иштиёқ ва ўтқир фикрли ёшларнинг ўрни шу тарзда “банд” бўлишида.

“УЧ БАҲО ҚҮЙИБ БЕРСА БҮЛДИ-ДА!”

3-хўлат. Яқинда бекатда уч-тўрт талаба қизларнинг ўзаро суҳбатига гувоҳ бўлдим.

– Эртага биринчи пара психологиями? Маърузамиди? Если чо мен бормайман. Зарур ишим бор, – деди сўзлари дадилгина қиз.

– Йўқ, эртага семинар. Ҳадемай дарслар тугайди, – деди сипогина кийинган дугонаси.

– Учмини қўйиб берса бўлди-да, – э дея дугонасининг гапини бўлди биринчи қиз.

– Домламыз уч баҳониям шунчаки қўймайди, – суҳбатга аралашди учинчиси.



Хуллас, шу беш-ўн дақиқада дугоналарига тилини бермаган қизнинг дардан ҳам муҳим иши гўзаллик салонига бориш эканлигини ва таълим олаётган соҳаси педагогикага умуман қизиқиши йўқлигини англадим. Оддий мисол: Илм олишга иштиёқманд талабанинг онгида уч баҳога розилик “тақлиф ташаббуси” бўлмайди.

Инсон шунчаки шаклланмайди. У таълим ва тарбия уйғунлигида том маънода камолга етади. Тарбия даставвал

“
– Душанба кuni менинг ўрнимга маърузага кириб бермайсаними? – деди устига оқ халат илиб олган йигит.
– Майли, – деди кўринишидан ундан анча ёш йигитча.
– Лекин савол берса-чи, мен тиббиётда ўқимайман-ку, билиб қолса-чи?! Жавоб беролмаслигим мумкин...”

оила, ота-она, яқинлар ардоғида бошланса, таълим мактаб, лицей, коллеж, олий ўқув юрларида ўқиб-ўрганиш орқали такомиллашади.

Халқимизда “Устоз кўрмаган шогирд, ҳар мақомга йўрғалар”, деган мақол бор. Бу мақолнинг моҳиятида нафақат ношуд шогирд, балки устознинг масъулияти керак бўлганида маслаҳати, тўғри йўлга йўллашига ургу берилган. Аммо буни кўпчилик ёшларга танбех деб тушуниш бир ёқлама фикрлашдир.

Сўнгги йилларда юртимизда янгиланишлар, катта ўзгаришлар силсиласида ёшларнинг ўқиб-ўрганиши, замонавий билимларни эгаллаши учун ўзига хос имкониятлар эшиги очилаётир. Бу ватанимизнинг

эртанги кuni, равнақи, истиқболи ёш авлод қўлида эканлигига комил ишонч билан қарашдан даролатдир. Бироқ олий таълим даргоҳида яна педагогика соҳасида таълим олаётиб, уч баҳо билан кифояланиш кайфиятдаги бўлажак “маърифатчи”дан нима кутамиз? Шу тоифадаги ёшлардан фидойи устоз етишиб чиқадими? Энг ёмони бу ҳавойилик бир кунда улғайиб қолмаган. Ёки талабаликда ҳам эмас?! Бунинг чалқаш сабаблари-ю, хунук оқибатлари бир-бирини тўлдиради.

Юқоридаги ҳолатлар кимгадир у қадар аҳамиятсиз муаммо бўлиб кўриниши мумкин. Ёки бўлмаса бундайлар жуда кам дейдиганлар

ҳам йўқ эмас. Мен ҳам кўча-кўйда, маҳаллада китоб-дафтарини қўлидан қўймай қўшимча дарсларни қанда қилмайдиган, ҳатто автобусда тест топшириқларини такорлаётган ёшларга, тасанно дейман. Бироқ “Ҳар ҳолда дипломли мутахассис-да...” деган фикр уйғотувчи вазиятларга дуч келишимизни ҳам тан олишимиз керак. Бу борада энг мақбул хулоса ўзингиздан.

Гулноза ТУРҒУНБОЕВА

O‘Z YURTINGNING YANTOG‘I BO‘LAK...

Эътибор берганмисиз, аёлларимиз Кореяда ишлаб чиқарилган косметик маҳсулотларга юксак баҳо беришади. Қизиқ, бу маҳсулотларнинг сири нимада экан? Сифатли косметик маҳсулотларни ўзимизнинг юрtdа ҳам тайёрласа бўладими? Биология фанлари номзоди Мамлакат Жабборовга шу каби саволлар билан мурожаат қилдик. У айна пайtdа Кореянинг Бусан шаҳрида илмий изланишлар олиб бориш билан бирга косметик маҳсулотлар ишлаб чиқариладиган компанияда фаолият юритади. Шижоатли бу ўзбек аёлининг ҳаёт борасида ўз қарашлари, тезкор ва шиддатли замонамизга муносиб лойиҳалари бор.

– Мамлакатхон, дастлаб сизни Кореяга олиб борган йўллар ва сабаблар ҳақида айтиб ўтсангиз...

– Бўстонлик туманида жойлашган Угом-Чотқол илмий боғида фаолият олиб бораётган кезларим эди. ЮНЕСКОнинг инсон саломатлиги бўйича ташкил этилган янги лойиҳасини эшитиб, изланишларим, тажрибаларимни ёзиб жўнатишга қарор қилдим. Юртимизда ўсадиган доривор гиёҳлар борасидаги қизиқарли маълумотларимни ва таклифларимни астойдил жамладим. Бурчақдошлар оиласига мансуб доривор ўсимликлар таснифини тузганман. Мазкур ўсимликлар юрак ва қон-томир касалликларини давовлашда жуда катта ёрдам беради. Марказий Осиё шароитида Ўзбекистонда ўсадиган ушбу ўсимликлар рўйхати бўйича ҳануз изланяпман.

Ушбу лойиҳада голиб бўлганларни Хитойга 2 ой муддатга ўқиш учун олиб кетишди. Турли давлатлардан келган олимларнинг дарсларини тинглаб, янги дўстларим қуршовида ўтган ўша кунларни ҳалигача мамнун бўлиб эслайман. Устозларим ва курсдошларим кўмаги билан Кореяга илмий изланишлар олиб бориш учун бордим. Косметик маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган компанияга ишга кирдим.

– Ушбу корхона қайси талаблари ва мезонлари билан эътиборингизни тортди?

– Кореялик ҳамкасбларим вақтни

ниҳоятда қадрлашади. Ўтиб бораётган ҳар бир дақиқадан уринли фойдаланишади. Эрталаб соат саккиздан кечкиб ишга келган ходимни умуман учратмадим. Энг қизиғи, раҳбарлар ҳам биз каби иш кийимида бўлишади ва ортиқча мулозаматни хуш кўришмайди. Ҳатто улар бизнинг ёнимизга келиб-кетганлигини сезмаймиз ҳам. Илмий изланишлар жараёнида кечаси ухлай олмаган тунларим кўп бўлади. Ана шундай кезларда кўзларим қизариб ишга келсам, дарҳол мени чақириб кайфиятсиз ва чарчаган ҳолатда иш бажараётганим учун огоҳлантиришган. Ишчиларнинг кайфияти ва ҳар бир хатти-ҳаракати камера орқали кузатиб борилади. Ахир, рақобатчиларимиз кўп. Улардан орқада қолиб кетмаслик учун сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришимиз керак.

Шуни ҳам алоҳида айтиш лозимки, Кореяда меҳнат қилиб топилган пул саёҳат, ички ва ташқи туризм, билим



олиш, ўзига номоддий интеллектга сармоя қилишга сарфланади. Биз эса шунча тер тўкиб, топган пулимизни кўпроқ кераксиз моддий бисот, тўй, маърака ва ҳашамларимизга харжлаймиз.

– Яқинларингиз билан бирга миллий таомларимизни, шифобахш меваларимизни ҳам соғинсангиз керак...

– Нимасини айтасиз... Гарчи мен яшаётган мамлакатда ҳам тансиқ таомлар ва мевалар кўп бўлса-да, Ўзбекистонимизда пишиб-етилган меваларнинг мазаси бошқача. Улар мевали дарахтларни парварииш қилишда сунъий озуқаларни кўп ишлатишади. Ҳақиқий қуёшда пишган мевалар эса, албатта, ўзгача таъмга эга бўлади. Шу боис ҳар сафар Кореяга келишда Ўзбекистондан туршак, майиз, pista, бодом, гуруч, қуритилган патир нон олиб келаман. Ахир Кореяда умуман нон истеъмол қилишмайди. Нон ўрнига ҳам гуруч ейишади.

– У ерда нишонланадиган байрамлар ҳақида фикрингиз қандай?

– Оналар кунинда атайлаб кўчага чиқаман. Онасини етаклаб қаҳвахонага, табиат кўйнига ва сартарошхонага кетаётган бахтли одамларни кўриб завқланаман. Эҳ, ўша пайтларда оналарнинг чеҳрасидаги табассумни, шодлик учқунларини бир кўрсангиз эди... Дўконлардан совға сотиб олаётган, меҳрибонига гул тутаётган фарзандлар ҳам ўзларини шунчалар бахтли ҳис қилишадик... Оналар кунинда менинг бу ҳолатимни сезса керак, ўғлим Улғубек менга ҳам совға жўнатади. У ҳозирги кунда Латвияда ахборот технологиялари бўйича

таҳсил олмоқда.

Оталар кунинда ҳам худди шу ибратли ҳолатлар такрорланади. Ана шундай байрам кунини метрода кетаётган эдим, бирдан оркестр мусиқа чала бошлади. Қарасам, бир аёл кекса отасига бағишлаб қўшиқ айтаётган экан. Отанинг кўзларини ҳаяжонни кўриб мен ҳам ўз отамни соғиниб кетдим.

– Кореяда фаол ва ишбилармон хотин-қизларга бўлган муносабат қандай?

– Аёллар орасида тadbиркор ва раҳбарлар ниҳоятда кўп. Чунки аксарият оилаларда ҳамма маблағ аёлларнинг номида бўлади.

Транспортларда ҳомиладор аёллар ва қариялар учун махсус жойлар ажратилган. Гарчи бу жойлар бўш турган бўлса-да, уларга ҳеч ким ўтириб олмайди. Идора ва ташкилотларда эса эркаклар аёлларга айтадиган ҳар бир галини ҳурмат билан эгилиб, салом бериб гапиришади.

– Она-Ватанимга қайтиб, янги лойиҳамни амалга ошироқчимиз, дегандингиз...

– Ота-онам бизга болалигимиздан сунъий дориларни умуман ичиришмаган. Ишонасизми, ҳозиргача бирон бир дори ичмаганман, фақат табиий гиёҳлардан фойдаланаман. Табиатга ва ўсимликларга бўлган қизиқишим туфайли 1991 йилда Андижон давлат университетининг биология факультетига ҳужжат топширганман. Университетни тамомлагач, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ботаника институти аспирантурасига ўқишга кирдим. Устозларим профессор Лайло Шамсивалиева ҳамда Озодбек Аширметовлар раҳбарлигида илмий ишимни ёқлаб, фан номзоди унвонига сазовор бўлдим. Илмий изланишларим асосида Бўстонлик туманида ўсадиган доривор гиёҳларни ўрганишда давом этилган. Келгусида доривор гиёҳлардан, табиий ўсимликлардан тайёрланадиган шифобахш чойлар ва косметик маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган корхона ташкил этмоқчиман. Айна пайtdа бутун дунёда табиий маҳсулотларга бўлган қизиқиш ошиб бормоқда. Доривор гиёҳларни маданий ҳолда иссиқхоналарда етиштириш технологиясини ишлаб чиқяпман. Биз учун ўз юртимизда тайёрланган маҳсулотларнинг шифобахшлик хусусияти ва таъсири кўпроқ.

Мухтасар ТОЖИМАМАНОВА сўхбатлашди.

oilavajamiyat@mail.ru



Улар мевали дарахтларни парварииш қилишда сунъий озуқаларни кўп ишлатишади. Ҳақиқий қуёшда пишган мевалар эса албатта, ўзгача таъмга эга бўлади. Шу боис ҳар сафар Кореяга келишда Ўзбекистондан туршак, майиз, pista, бодом, гуруч, қуритилган патир нон олиб келаман.



Bashorat QODIROVA:

“ENG OLIY MUKOFOT, BU VATANGA MUNAVVAT, XALQIMGA XIZMAT”!

Қадрли газетхон! Одам юрса оёғи, куш учса қаноти куядиган чўлда, боғу бўстонлар яратилиши, кечаги Мирзачўлнинг, бугунги “Мирзачаман”га айланиши қанчалик машақат эканлиги ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Агар эътибор берган бўлсангиз тайёр сув оқиб турган, салқин, баҳаво жойдан уй қуриш ҳақида эмас, сув ҳам йўқ, ҳаво жазирама бўлган жойларни ўзлаштиришу инсон яшайдиган ҳолга келтириш ҳақида сўз бормоқда.

Бир вақтлар бугунги Сирдарёнинг ерлари шўр, чўл ўсимликларидан бошқа нарса кўкармайдиган ер бўлган. Бугун эса вилоятдаги пахтазорлар, бўғдойзорлар, боғлару хиёбонларни кузатиб инсон қўли чиндан ҳам гул эканлигига амин бўламиз. Масканларнинг ободлигига ҳамманинг ҳаваси келади. Кўрганларнинг кўнгли яйрайди. Эшитганлар бир кўриш орзусида яшайди. Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ ёзувчиси Саид Аҳмад “Уфк” трилогиясининг “Ҳижрон кунлари” қисми хотимасида шундай фикрларни ёзган эди. “Она замин, еримиз кўз ёши билан эмас, балки пешона териси билан кўкаради”.

“МЕН МИРЗАБОД ФАРЗАНДИМАН”

Бугун эса ана шундай пешона тери билан, Мирзаобод туманининг обод бўлишида кирқ йилдан буён хизмат қилиб келаётган онахон ҳақида сўз юритишни ният қилдик. Доно халқимиз: “Меҳнат, меҳнатнинг тағи роҳат”, деб бекорга айтмайди. Бу мақолни ҳаётдаги шиорига айлантирган, асли Самарқанднинг Жомбой туманидаги Шакар қишлоғида туғилган, аммо “Мен Мирзаободнинг фарзандиман” деб, фахр билан айтадиган, меҳнаткаш пиллакор Башорат опа Қодирова ҳақида фикр юритмоқчимиз. Пиллачи опа билан суҳбатлашганимизда бизга жуда қизиқ воқеани айтиб бердилар.

“УНИВЕРСАЛ” ОНАХОН

“Онам раҳматли болагимда бу гапларни тез-тез такрорлаб турар эди. Уларнинг айтишларига қараганда, мен туғилишимдан бироз вақт илгари энам: “Ҳали бу фарзандинг ўғил бўлса, аллаларнинг сардори, қиз бўлса гўзалларнинг дилдори бўлади”, деб башорат қилган экан. Шундан сўнг отам бу тилақларнинг ҳаётда бўлишини ният қилиб туғилганимда исминми Башорат қўйган экан”. Башорат опанинг айтганларини тинглаб, яхши ният, албатта амалга ошишига яна бир бора амин бўлдим. Буни қарангки, анча йиллар олдин кўпни кўрган бувижон томонидан қилинган эзгу ният Яратганнинг амри билан ҳақиқатга айланди. Қандай қилиб дейсизми? Ундай бўлса Сирдарёга келиб ҳам пиллакор, ҳам агроном, ҳам маҳалла фаоли, ҳам яхши маслаҳатчи бўлган Башорат опа билан кўп эмас, беш дақиқа суҳбат қуриш. Ана ўшанда меҳнатсевар пиллакор опада йигитлардек довураклик, ҳар қандай синовнинг олдида қўрқмаслик, меҳнатни севиш деган куч борлигини, аёллардаги кўпни кўра олиш хислати, меҳр-оқибат мужассам эканлигини билиб олмасиз. Ҳа, Башорат Қодирова ҳақиқатан ҳам Сирдарёдаги “универсал” онахонларнинг энг обрўлиси ҳисобланади.

23 ЙИЛ КЎРИШМАГАН ОНА-БОЛА

1978-1983-йиллар оралиғида Тошкент ирригация институтида таҳсил олган Башорат опа илк фаолиятини 1983-йилдан 1989-йилга қадар Мирзаобод тумани сув ва қишлоқ хўжалиги бўлимида, К-3 каналида гидрометр (сув ўлчовчи) ҳамда гидротехник сифатида олиб борган. Ана шу вақтдан бошлаб, то 2015-йилга қадар Мирзаобод сув оқова бўлимида, “Қизил ярим ой” жамиятида, 1-мактабда, туман ҳокимининг тавсияси асосида, ҳозирги агросаноат мажмуаси Кенгашида турли лавозимларда ҳалол



меҳнат қилган. 2015-йилдан, ҳозирги вақтгача “Мирзаободпилла” МЧЖ агрономи сифатида ишлаб келмоқда. “Мен бекорчиликни, меҳнат қилмасликни, дангасаликни ёмон кўраман. Кўпроқ меҳнат қилсам, кучим етганича барчага яхшилик қилсам дейман. Оилалар ажралишидан, норасидаларнинг аросатда қолишидан қўрқаман”, дейди фидойи пиллакор. Чиндан ҳам эрхотин ажралиши оқибатида ўртадаги фарзандларга жабр бўлади. Башорат опа бундан бир неча йиллар илгари 23 йил кўришмаган она-болани бир-бири билан дийдор кўриштирган экан. Буни қарангки, ота-онанинг ажралиши ва отанинг қўлида қолиши билан болагининг ширин ҳаёти аччиққа айланган йигитни Зоминдаги онаси топилишида, қаҳрамонимиз елиб-югурган, чекка қишлоққача бориб ўзи қидирган экан. Йигитнинг исмини ёзмазликимни тайинлаган бу онахоннинг ғайратини кўриб,

етти ёт бегона болага қилган одамгарчилигини эшитиб, ҳақиқий инсон қандай бўлиши керак, деган саволга жавоб топгандай бўлдим. Балки, асрлар илгари ҳаёт кечирган Бибиҳониму Тумарислар қайта дунёга келиб, Башорат опа сингари қаҳрамон аёллар юрагида яшаётганига гувоҳ бўлдим.

ПРЕЗИДЕНТДАН РАҲМАТ ЭШИТГАН АЁЛ

Ҳар кимнинг ҳаётида ҳикоя қилса арзигулик қувончли дамлар, унутилмас лаҳзалар бўлади. Хўш, пиллакор онахоннинг энг бахтли онлари қандай бўлган экан? 2018-йилнинг 13 апрел куни барча сирдарёликлар учун ўзгача кун бўлди. Сабаби ўша куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев вилоятимизда олиб борилаётган ишларни кўздан кечириш, халқ вакилларининг янгидан-янги ташаббусларини ўрганиш, зиёлилар билан учрашиш мақсадида воҳамизга ташриф буюрди. Шу куни ташкил қилинган умумий йиғилишида 11 та туман ва шаҳарларимиз ҳам видеоселектор орқали тўғридан-тўғри иштирок этди. Ҳар бир тумандан турли касб эгалари ўз фикрларини самимият



кўзига ёш олгани ҳақида яна ўшандай ёшланган кўзлари билан айтиб берди. Тўқсон ёшга яқинлашган муаллиманинг шогирди қилган кўнгириги ва айтилган табрикларнинг барчаси қилинган меҳнатларнинг маҳсули эмасмикан... Меҳнат қилган инсон борки, раҳмат эшитида. Меҳнат қилган инсон борки, юқори натижаларга эришади. Меҳнат қилган инсон борки, халқнинг, нурунларнинг дуосини олади.

ЁЛҒИЗНИНГ ЁРИ АЛЛОҲ

Кўп инсонлардан дуолар олган, айни дамда ўзи ҳам дуоғўй онахонга айланган Башорат опа Қодирова ҳақиқий халқпарвар ўғилни катта қилди. Бугун онахоннинг яккаю ягона фарзанди Солиқ академиясини аъло баҳоларга тамомлаб, туман солиқ бўлимида фаолият олиб бормоқда. Пиллакор опа ҳар сафар мени кўрганида: “Болам, ёлғизнинг ёри Аллоҳ бўлади. Сен ҳеч сусаймасдан ижод қил. Шеърлар, китоблар ёзгин. Менинг ҳам ёлғиз фарзандим ўз билими билан Тошкентдек шаҳри азимда ўқиди. Сен ҳам ўз билиминг, интилушларинг билан ҳали катта натижаларга эришсан”, – дея илҳомимга илҳом қўшади. Айни дамдаги мақолани ҳам чин дилдан ёзишга, юрагимдагиларни баён қилишга ҳаракат қилдим. Ахир, юракда сақлангучи инсонларни чин юрак билан ёзиш керак-да!

МЕҲНАТ ФАХРИЙСИ

Башорат опа туманимиз, нафақат туман балки, вилоятимиз пиллакорларининг фахрийсига айланган мўътабар аёл. Ҳалоллиги, меҳнатсеварлиги, инсонпарварлиги, оилалар тинчлиги учун тиним билмаслиги инобатга олиниб, “Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги 20 йил”, “Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги 25 йил” эсдалик нишонлари билан рағбатлантирилган. Энг қувонарлиси шуки, ўтган йили “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишонига сазовор бўлган қишлоқ хўжалиги ходимининг, онахонимизнинг юзидаги зиё, қалбидаги муҳаббат таърифини китобларда ёзма арзийди. Лекин, шунга амин бўлдимки, агроном, пиллачи онахоннинг энг олий мукофоти, бу “Ватанга муҳаббат”, “Халққа хизмат” деган илоҳий унвонлар экан.


Ёрқинжон ҲАЙИТБОЕВ,
Сирдарё вилояти.

Бизнинг туманимиз номидан эса, Башорат опанутқ сўзлаб, пиллачилик ҳақида ёшлардек шижоат билан гапирганларида очиги барча ҳайрон қолди. Айниқса, Президентимизнинг “Раҳмат сизга” деб, онахонга илиқ фикрларни билдирганлиги барчамизни қувонтирди.

УСТОЗНИНГ КЎНГИРОҒИ

Бизнинг пиллакор опамиз учун янада шодланса арзийдиган томони, орадан икки кун ўтиб, 83 ёшли биринчи устози Марзия Туйчиева телефон қилганию “Башорат, сен ишончимни оқладиң. Сендай ўқувчи тарбиялаганимдан фахрланаман. Телевизорда Президентнинг олдида сўзга чиққанингни бутун қишлоғимиз билан кўрдик”, деганлари онахонимиз учун бутун дунё бахтига тенг бўлди. Ўша лаҳзаларни хотирлар экан, меҳнаткаш опамиз

SAVIYALI KO'RSATUVLARGA EHTIYOJIMIZ BOR



Ахборот ва интернет асрида яшаймиз. Истаймизми йўқми, бугун мамлакатимизнинг аксарият аҳолиси, айниқса ёшларнинг деярли ярим кунни виртуал оламда ўтмоқда. Бу шубҳасиз, интернет барчамизнинг дунёқарашимизга, маънавий ва маданий оламимизга жиддий таъсир кўрсатишига замин яратди. Шундай пайтда "ўргимчак тўри"дан тарқалаётган турли бузғунчи гоёларга, маънавиятсизлик, ахлоқсизликни тарғиб қилувчи баъзи қарашларга қарши турадиган асосий нарса – китоб, газета ва журналлар ҳамда телевидениедир. Тўғри, бугун китоб ва газеталар рақобатда интернетга асло бўйлаша олмайди. Аммо бу борада телевидениенинг имконияти кўпроқ. Бугун телеканалларимиз зиммасидаги ана шу масъулиятли вазифани қай даражада удалай оляпти? Мухбиримиз шу борада аҳолининг айрим қатламлари фикрини ўрғанди.

– Бугунги замон бошқа, бугуннинг одамлари бошқа, – дея гап бошлади нафақадаги ўқитувчи Сабура ая. – Набираларим билан қўшилиб, "Milliy TV" каналидаги "Voy-dod kagaokel!" номли шоуни кўриб қолдим. Кўрсатувда қатнашган йигит-қизларнинг бошига қурт-қумурсқа, каламушу илонлар қўйишгаётганини кўриб, тўғриси, қон босимим кўтарилиб кетди. Бундай беъмани дастурларни кўриш менинг ёшимдагиларга тўғри келмас экан. Умуман бу каби мантисиз дастурларнинг кимга кераги бор. Бу кўрсатув томошабинга нима беради? Муаллифлар бу билан нима демоқчи ёки нимани исботламоқчи? Бундай дастурларни ким ўйлаб чиқяпти, хайронман кўрсатувлар экранга чиқшидан олдин назорат қиладиган одамларнинг кўзи

қаерда?

Телекўрсатувлар тўғрисида "Facebook" ижтимоий тармоғида қўйилган куйидаги пост ҳам эътиборимиздан четда қолмади.

Амрулло Каримов:

– Тўғриси, турли ижтимоий тармоқлар билан банд бўлиб, телевизор кўришга вақт тополмай қолам. Аммо шу жамиятнинг бир аъзоси эканмиз, телевизор ҳам кўриб туриш кераклигини айтган бўлардим. "Махалла" телеканалда "Одабийлик" ток-шоусини кўриб қолдим. Муаллиф Садоқат Дадаева мавзу танлашда асло адашмабди. Кўрсатувдан жуда кўп нарса олдим. Зеро, бугунги шиддатли замонда, маънавиятдан иқтисод устунроқ кўтарилган пайтда бу каби туйғулар барчамизга жуда асқотади. Ўйлаб кўрсам, интернетдаги қизиқарли хабарлар ва шов-шувлардан кўра шу каби дастурларни кўрсак ҳам маънавий озуқа оламиз, ҳам тафаккур қилишга чоғланамиз. Шу кўрсатувдан сўнг телевизор қаршисида ўтирганимда яна шундай дастур бормикан, деб каналларни ахтариш одамимга айланди. Адашмаган эканман, яна бир диққатга аригулик кўрсатувни "топдим". "Ёшлар" телеканалда Дилшода Матжонованинг "Гаплашамиз" лойиҳаси менга жуда ёқди. Сабаби, суҳбатни хоҳлаган одам билан ташкил қилиш мумкин. Ҳозир телеканалларимизда машҳур актёр ва актрисалар, қўшиқчилар билан суҳбат урфга кирган. Томошабинни жалб қилиш учун халқ орасида юрган миш-мишлар, суҳбатдошнинг ўта шахсий ишлари борасида савол беришдан ҳам қайтишмайди. Бошқача айтганда, кўчанинг гапини минбарга олиб чиқшмоқда. Лекин юқоридаги дастурда барчаси самимий ва дилдан экани эътиборимни қозонди. Мени жалб қилган яна

бир жиҳати бошловчининг саволлардаги топқирлигидан ҳам кўра суҳбатдош танлашдаги маҳорати бўлди.

Нигинабону Шукурова:

– Охири бор қайси кўрсатувни кўрганимни эслолмадим, тўғриси, кунни бўйи ишда бўлиб, фақат дастурхон бошида телевизор кўраман. Шунда ҳам фақат янгликларни. Юртимизда бўлаётган хабарларни интернет сайтларида ҳам ўқиб олиш мумкин, лекин биз кўришни истаган сифатли дастурларнинг ҳаммасини ҳам интернетдан тополмаслигимиз мумкин.

Ўзхра Абдуллаева, Халқаро журналистика факультети талабаси:

– Кўпроқ хабарлар дастурини кўришга вақт сарфлайман. Маданий ва кўнгилочар кўрсатувларни асосан хориж телеканалларида кўришни маъқул биламан, сабабини ўзингиз тушунгандирсиз. Бизнинг кўрсатувларнинг аксарияти хориж каналларидаги дастурлар гоёси асосида тайёрланмоқда. Уларга ижодий ёндошилса ҳам майли эди, аммо бус-бутун кўчириб олишни афзал кўришмоқда. Натигада эса ўзга халқларнинг қадриятлари, дунёқараш ва маданияти асосига қурилган дастурлар бачкана бўлиб қолмоқда. Бу ҳам камлик қилгандек, аксарият, кўрсатув ва шоуларнинг бошловчилари актёр ёки санъаткорлардан иборат. Мен бу билан уларни камситиш фикридан мутлақо йироқман. Тўғри, бошловчиликни ҳам қўйиллатиб олиб борадиган санъаткорларимиз анчагина. Аммо халқимизда: "Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин", деган гап бор. Зеро, журналистлик ва актёрлик касблари бир-бирдан фарқ қилади ахир. Шу боисдан ҳам аксарият шундай кўнгилочар кўрсатувларда бачканалик, саҳнада шевада гапириш, беўхшов

қилиқлар қилиш кабилар кўпайиб бормоқда. Бу эса ўзини ҳурмат қилган, маънавияти ва фаросати бор томошабиннинг кўнглини хира қилиши, табиий.

Феруза Йўлдошева:

– Оддий уй бекаси сифатида айтадиган бўлсам, умуман телевизор кўрмайман. Иложи борича фарзандларимга ҳам тақиқлайман. Назаримда, телевизордан кўра кўпроқ китоб ва газета-журналлар фойдалироқ. Ҳеч икканмай айта оламани, телевизорда кўриш мумкин бўлган қизиқарли маълумотларни, машҳурлар билан бўладиган суҳбат ва шунга ўхшаш дастурлардан оладиган нарсамизни газета-журналлар ҳам бера олади. Албатта, бу менинг шахсий фикрим ...

Аббос НУРИДДИНОВ,

7-синф ўқувчиси:

– Телевизор қаршисида фақат "Аристократлар" кўрсатувини кўриш учун ўтираман. Бу дастур кулгили бўлгани учун жону дилим. Шу боис бирорта сонини қолдирмасдан кўраман. Чунки эртасига мактабда синфдошларим билан кўрсатувни муҳокама қиламиз. Ундаги ҳазиллар ҳам "Миллион"нинг ҳазилларидек ёшлар ўртасида хит бўлиб бормоқда. Тўғриси айтсам, телеканалларда бизнинг ёшимизга мос кўрсатувлар камдек назаримда. Савол-жавоб тарзида ташкил этиладиган бир-иккита кўрсатувларга кўзим тушган. Лекин уларни кўриш жуда зерикарли, очигини айтсам, бугуннинг болаларини жалб қилолмайди. Балки шунинг учун ҳам катталарга мўлжалланган кўрсатувларни кўраётгандирмиз. Ҳаттоки "MilliyTV" да болалар бошловчилик қилаётган "MTV showkids" кўрсатувининг ҳам асосий томошабинлари катталар. Чунки унда шоу, бизнес вакилларнинг болалиги ҳақида суҳбат бўлади, ваҳоланки уларнинг болалиги бизгамас, ўз муҳлисига қизиқ.

Назира Шамаева, лицей ўқувчиси

– Мен "Зиралча" дастурини кузатаман, холос. Телевизор қаршисида фақат яшанба кун, айнан шу дастурни кўриш мақсадида ўтираман. Дугоналарим билан бўладиган суҳбатларимиз ҳам асосан шу мавзуда, қатнашчи қизларнинг характерлари, ўзларини туттишлари ҳақида бўлади. Бу кўрсатув бизнинг ёшимиздаги қизларга кўп нарса беради. Биринчи галда Аллоҳ берган неъматларга шукр қилиш кераклигини англайман. Бу қизларнинг ҳаёти, қийинчиликлари ҳар бир қизга маълум ҳулоса беради, шукроналик ҳиссини кучайтиради. Баъзида ўз тарбиямиздаги қусурларни ҳам улар орқали кўра оламиз.

Ҳар ким ҳам ўзига кераклик нарсани излайди, ўзи муҳтож бўлган нарсага интилади. Савияси баланд, яхши теледастурларга эса халқимизнинг муҳтожлиги бор, ҳамма гап халқ эътиборини қозонишда...

Васила ҲАБИБУЛЛАЕВА,
"Оила ва жамият" мухбири.

KASBIM-FAXRIM

Касб-ҳунар инсоннинг ҳар қандай оғир кунларида суюнчиқ бўлади. Чунки одамдан бойлигини тортиб олиш мумкин, лекин унинг эгаллаган билимини, ҳунарини ва касбини олиб бўлмайди.

Мақтабимизда бўлиб ўтган "Касбим – фахрим" деб номланган тадбирда ўқувчиларга касб-ҳунарни афзалликла-

ри хусусида фикр юритилди. Ўқувчилар томонидан ижро этилган "Хунарсиз, билимсиз киши жаҳолатга яқин" деб номланган саҳна кўриниши йигилганларга, инсон ҳаётида ҳунарни нақадар муҳимлигини яна бир бор эслатди. Айниқса, бошланғич синф ўқувчилари томонидан ижро этилган кўшиқ ва рақслар тадбир иштирокчилари ва меҳмонларга кўтаринки кайфият бағишлади.

Хосият ПОЛВОНОВА,
Хива туманидаги
17-умумтаълим мактаби ўқитувчиси.



FARZANDINGIZ BOG'CHADA QANDAY OVQATLANYAPTI?

Мактабгача таълим инсон камолотида алоҳида ўрин тутлади. Фарзандга дастлабки тарбия оилада ва боғчада берилиши ҳеч кимга сир эмас. Зеро, жамиятимизни келгусида етук кадрлар билан таъминлашда мактабгача таълимнинг ўрни бекиёс. Бунда муассасаларда нафақат таълим берилиши жараёни, балки, болаларнинг саломатлигини алоҳида назоратга олиш лозим бўлади. Кичкинтойларнинг саломатлиги деганда, энг аввало, уларни ўз вақтида ва тегишли меъёрларда овқатланишини ташкил этиш назарда тутилади. Бироқ жамиятимизда шундай шахслар борки, улар болаларга ажратилган озиқ-овқат маҳсулотларини талон-тарож қилишдан тоймайди. Кўп бора таъкидланаётгани, бу борада аниқланган камчиликларга кескин чоралар кўрилатганига қарамай, муассасаларда ҳамон озиқ-овқат маҳсулотларидан уриб қолиш, таомларни санитария талабларига зид ҳолда тайёрлаш ҳолатлари учраб турибди.



ТУШЛИКДА ФАҚАТ МАКАРОН ЕЙИШМОҚДА

Яқинда ижтимоий тармоқда кескин мунозараларга сабаб бўлган пост тарқалди. Унда куйдагилар ёзилган: расмдаги таомлар Тошкент шаҳридаги болалар боғчасидан бирига тегишли. Овқатларни маза матрасига қараб бўлмайди. Шунанга бемаза. Татиб кўриб, дилим ранжиди. Қандай қилиб бунақа овқат тайёрлаш мумкин, ҳайрон қоляпман. Фарзандим шу боғчага боради. Болалар тушликда бир ҳафтадан бери биринчисига фақат макарон ейишмоқда. Шунанга ҳам бўладими? Фасол қовурма ҳам бемаза қилиб тайёрланган. Худди бўтқа бўлиб қолган суяк овқатга ўхшайди. Бу овқатлар ўсаётган организм учун нима бўлади? Уларга витаминларга бой мазали таомлар тайёрлаш керак-ку. Мудирани умуман топиб бўлмайди. Доим қаёққадир кетган бўлади. Шу соҳага алоқадор одамлар бўлса ёрдам беришса яхши бўларди. Тўғриси, боғчанинг овқатидан кўнглим тўлмаяпти.

ОШХОНАДА ХАМ ҚОИДА БОР!

Айрим ота-оналар мактабгача таълим муассасасига улар ишдалигиди

Аёл! Бу она, ёр, опа-сингил, фарзанд. Унинг вужуди соғлом, маънавияти бой, ўзи садоқатли ва покиза бўлса, фарзанди ҳам ҳар томонлама камолга эришуви мумкин. Шунинг учун шундай сирли хилқат бўлмиш аёлларимизга қандай муомалада бўлмоғимиз лозим. Ислом дини таълим-отлариди аёлларни эъзозлаш, уларга эҳтиром кўрсатиш, ҳуқуқларини поймол этмаслик тамойиллари белгиланган.

Ҳадиси шарифларда аёллар хусусида шундай дейилади: "Аллоҳ таоло аёлларга яхши муомала қилишларингизни тавсия этади, чунки улар оналарингиз, қизларингиз, ҳошталарингиздир". (Табороаний ривояти). Бошқа ҳадисда: "Жаннат оналар аёги остидадир". (ибни Можба ривояти).

Дунёда неча-неча подшоҳлар, пайгамбарлар, авлиёлар, уламолар, олимларни барчасини тўққиз ой

фақат болага қараб турувчи ҳимоя кўргони сифатида қарайди. Зарурат бўлсагина болани боғчага бериш керак, деб ўйлайди. Аслида эса, боғчага борган бола билан уйда ўсган, тенгқурлари билан кам мулоқотда бўлган бола ўртасида катта фарқ бўлади. Бола-қай мактабга борганидан сўнг бу яққол билинади. Шундай экан, болажонларимизнинг боғчадаги таълим тарбияси билан бирга овқатланиши ҳам улар келажакка қўйилган дастлабки қадамнинг нечоғлик муҳимлиги, фарзандларимиз ҳаётда қандай инсон бўлиб етишиб чиқишига қўйилган пойдеворнинг янада мустаҳкамланишидан далолат беради.

Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг овқатланиш тартибидан гувоҳ бўлиш мақсадида Учтепа туманидаги 252-сонли МТМга бордим.

Муассаса эшигидан кириб борарканман, худди эртақлар оламига тушиб қолгандек бўлдим. Мульфильм қаҳрамонлари тасвири акс этган ҳайкалчалар, мазкур даргоҳ тарбияланувчилари суратлари туширилган баннерлар ўзига жалб этмасдан қўймайди. Тўғри ошхона томон кира бўшладим. Ичкаридан мазали таомлар ҳиди димоққа урилди. "Тўхта! Кимсиз? Бу кийимда ичкарига кириш мумкин эмас", деган овоз эшитилди. Газетадан эканлигимни билгач, энгимга оқ халат, бошимга рўмолча, оёғимга эса бахила тутқизишди. Ошхонада ҳам ишчилар шу ҳолатда ишлашар экан. Атрофга назар ташларканман, ҳамма жой озода, идиш-товуқлар тозаллигига гувоҳ бўлдим. "Шифохонага келдим, шекилли" дея қилган ҳазилимга "Ошхо-

нада ҳам шундай қоида бор" деди боғча ҳамшираси Нодира Аҳмедова муассаса ҳақида тўлқинланиб гапирар экан:

– Тарбия масканимизда 300 нафарга яқин болажонлар парвариланяпти. Кичкинтойлар иммунитетини ошириш мақсадида таомлар витаминга бой озиқ-овқат маҳсулотларидан тайёрланмоқда. Мактабгача таълим муассасаси, биринчи навбатда, болани тартиб-интизомга, ўз вақтида ва соғлом овқатланишга, бир-бирига ҳурмат билан муносабатда бўлишга ўргатади. Болажонларнинг саломатлигини ҳар куни назоратга оламиз. Ҳар бир бола бир кунлик овқатланиш рақисини буйича 110 грамм нон, 300 грамм сут, 40 грамм шакар, 20 грамм сариёғ, 100 грамм гўшт, 150 грамм картошка, 200 грамм сабзавот маҳсулотлари, 200 грамм қатиқ ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиши керак. Бу маҳсулотлар таркибиди кичкинтойлар саломатлигини мустаҳкамловчи, организмнинг тўғри ривожланиши, ақлий салоҳияти ва иммунитетни ошишига ёрдам берувчи витаминлар муҳимасан.

ОВҚАТНИНГ МАЗАСИГА БАҲО БЕРИБ КЕТИНГ

Қозонда осилган овқатга назар ташладим. Карам шўрва милтиллаб қайнапти.

– Бугун биринчи овқатга карам шўрва бўлса, иккинчи таомимиз палов – дея сўхбатга қўшилди бош ошпаз Мавлуда Бобоназарова. – Қозонга солинадиган маҳсулотларимиз албатта, тарбияланувчи болалар сонига қараб мўлжалланади. Ўртача айтадиган

бўлсам, бир кунда картошка 35 кг, пиёз 5 кг, сабзи 5 кг, гўшт 24 кг солинади. Бугун толма чойга ўзимиз пиширган иссиққина булочкалар билан қуруқ мевалардан шарбат тортамыз.

Ошхонада иш жараёни қизгин кетаётганлиги боис уларга халақит бермаслик учун ҳамшира билан ташқарига чиқаётсак, омбор мудираси қаршимиздан чиқди. Баҳонада уларни ҳам сўхбатга тортидик.

– «Тошкент таъминоттайёрлов», «Ал Азиз», «Короликмилк» МЧЖ лар билан тузилган шартномага кўра, асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини харид қиламиз, – дейди омборхона мудираси Оҳиста Турсунова. Айни дамда омборда 100 кг картошка, пиёз 25 кг, 29 кг сабзи, 22 кг гуруч ва бошқа турдаги маҳсулотлар сақланмоқда. Хусусан, қуз-қиш мавсумида масъулияти чекланган жамият, фермер хўжаликлари билан сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш юзасидан шартномалар имзоладик.

– Вой, узр, мана буюртма берган баъзи маҳсулотларимиз ҳам келди, юкмашинадан тушириб, жойлаштириб олайлик, кейин сўхбатни давом эттирамиз, – дея ишга киришиб кетди опа.

Ҳамшира билан хоналарни бирма бир кўздан кечирдик. Ўрта ёш гуруҳи тарбияланувчилари киришимиз билан салом беришди. Бир гуруҳ қизалоқлар кўгирчоқлар ўйнаётган бўлса, бир тўп болалар машиналар ҳайдашяпти. Кимдир лево ўйинчоқларидан уй ясапти. Секин кузата туриб:

– Исминг нима болақай? – дейман
– Отим Иброҳим Маҳмудов. 4 ёшга кирдим. У бармоқчалари билан 4 сонини кўрсатди.

– Нима қуряпсан?
– Қаранг, уйимизни кўрдим келинг, кўрсатаман, бу менинг хонам, бу сингилмикни, бу эса дадам билан ойимники, бу эса дадам билан ойимники. У жажжи тасавурида ясалган хоначаларни кўрсатди.

– Болалар кўлларимизни ювиб, овқатланамиз, – тарбиячи опа уларни ювиниш хонасига олиб кирди. Ёрданчи аёл эса идишларни столларга жойлаштира бошлади. Кейинги хоналарда ҳам худди шу ҳолатнинг гувоҳи бўлдик.

– Овқат ҳам тайёр бўлди, таъмига баҳо бериб кетинг, – деди ҳамшира.

Тайёрлов гуруҳи болажонлари билан бирга овқатландик. Таом мазали, кўриниши ҳам чиройли эди. Болажонлар идишига разм солдим. Ҳаммаси охиригача ёйишди. Демак, таом уларга жуда хуш ёққан. Фақат бир-икки бола овқат ичидан пиёзини, карамини ажратди.

Фарзандларимизнинг боғча-мактабдаги ошхоналардаги аҳвол қандайлигини ота-оналар кузатгани, назорат қилгани таҳсилга лойиқ. У ердаги қониқарли ёки қониқарсиз ҳолатлардан эса ижтимоий тармоқлар орқали одамларни огоҳлантириб бориш барчамизни янада хушёр ҳамда эътиборли бўлишга ундайди.

Чарос ДЎСМАТОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири

UMRI BOQY QADRIYATLARIMIZ

қийинчилик машаққат ила бу дунёга келишига сабабчи бўлган зот бу муътабар муштирап оналаримиздир. Шунингдек, ислом таълимоти аёл кишининг эл-юрт, турмуш ўртоғи, фарзандлари олдидаги хизмати ва саъй-ҳаракатини савоб даражасини эркак ҳиссаси билан тенг қилиб берган.

Бугун Фарб ҳазорасининг аёлларга бўлган муносабати аёлларга ҳуррият ва эркинлик бериш никоби остида уларни бир ховуч пулдорлар ва бузуқларнинг эрмагига айлантириб қўйди. Дунё сармоядорлари аёлнинг Аллоҳ ато этган гўзаллигидан ғаразли мақсадлари ва очкўз нафслари, нари борса ўз молини реклама қилиш учун фойдаланиб келмоқда. Хурлик, чиройли ҳаёт ваъда қилиш баҳонасида

аёлларнинг фитрий машғулотларидан, оила фароғатидан, фарзанд тарбиясидан узиб олиб, эркакларгина бажарадиган оғир, машаққатли ва хўрловчи меҳнатларга жалб қилаётгани ҳақида қўпба мисолларни келтиришимиз мумкин. Аммо, бу билан аёлларни бахтли қилолмаймиз, ўксик дилларига таскин беролмаймиз. Ҳақиқий бахт эса, аёлни асл маскани – оиласи бағрига, фарзандлари кучоғига, эркакларнинг ардоғига қайтаришда! Унга оналик бахтини, аёл муқаррамлигини ва гўзаллигини, назокатини, ҳаё ва ифратини қайтариб беришда бўлади.

Намоз АБДУЛЛАЕВ,
Қарши шаҳар, Гувалак "Катта масжид" жоме масжиди имоми

QUNDUZLAR – TABIAT MO‘JIZASI

Сангзор дарёси қирғоқлари ва ҳавза бўйларини макон қилган қундуз, сув каламуши, жайра ва шу каби майда сут эмизувчилар тунги жонивор ҳисобланиб, кун ботиши билан фаоллашади. Озуқа илинжида сувга шўнғиб, яхши сузишади. Бармоқлари сузгич парда билан бир-бирига қўшилиб кетган, ов қилиш уларни толиқтирганда ҳам чаққон ҳаракатда бўлишади.

Ёрқин кўринишдаги қундузлар икки ёни ва думи ялтироқ, оч кўнғир тусда эканлиги билан бошқаларидан ажралиб туради. Келишган бўй-баста бор. Бўш вақт топди дегунча қуёш тафтида бироз исиниб, тараниб олади. Шунда момиқ тукли қалин мўйналари янада товланиб кетади. Мўйналаридан қимматбаҳо ёқа ва телпак тикилади.

Бир кун пешиндан сўнг ўн яшар Комил бобосига эргашиб дарё ёқасига борди ва бир-бирининг пижигига кириб олган қундуз болаларини пайқаб қолди. Туғилганига бир ҳафта ҳам бўлмаган жониворларнинг кўзлари юмуқ ва ночор ҳолда эди. Ҳаракатланишга мадори йўқ, баданларига лой чаплан-

ган. Миттивойларнинг мушкул аҳволда қолиши жуда хавфли эди. Негаки, йиртқичларга осон ўлжа бўлиши турган гап. Афтидан, ҳимоя ва ёрдамга муҳтож кўринарди.

Дунёда яхши ва олижаноб инсонлар кўп. Шу пайт бобо ва набирада жониворларга ғамхўрлик қилиш ҳисси уйғониб энди жониворларни олиб кетиш тадориғини кўраётганларида қутилмаганда она қундуз Тургун амакининг кўли устидан сирғаниб ўтиб, тирнаб



Ёрқин

кўринишдаги қундузлар икки ёни ва думи ялтироқ, оч кўнғир тусда эканлиги билан бошқаларидан ажралиб туради. Келишган бўй-баста бор. Бўш вақт топди дегунча қуёш тафтида бироз исиниб, тараниб олади.

олди. У жониворнинг думини ушлашга улгурди ва этиги билан ерга босиб, бўйнига сиртмоқ солмоқчи бўлганида оғзини очиб қаршилиқ кўрсата бошлади. Фермер ҳамон думини кўйиб юбормас, жонивор эса оёғининг тагидан дам-бадам бошини чиқариб тишлари билан кийимига ёпишарди. Болакайнинг эса яқинлашишга юраги дов бермасди. Афтидан қундуз осонликча таслим бўлмасди.

“Кураш” анчагача давом этди. Фермер шими почасининг



Burgut qanday juft TANLAYDI?

Бу жараён жудаям ҳайратланарли келади. У дарахт ёки бирор бутадан кичик шохча синдириб олади, уни тумшугида тутганча баландга кўтарилади ва тумшугидаги шохча билан айлана бошлади. Атрофда нар бургутлар йиғилиб парвоз этади. Шу пайт у тумшугидаги шохчани тушириб юборади ва кузатади. Бургутлардан бири шохчани тугиб олиб, оҳисталик билан унга олиб келиб топширади. У эса шохчани олиб, уни яна ташлаб юборади. Бургут яна тугиб олади, яна унга қайтаради. У эса яна ташлаб юборади... Ва бу ҳолат жуда ҳам кўп марта такрорланади. Агар нар бургут маълум муддат давомиде ва бир неча марта тушириб юборилган шохчани ҳар сафар тугиб келтириб берса, бургут ўша нар бургутни танлайди ва улар бирга яшай бошлади.

Хўш, ушбу ҳаракатларда қандай маъно яширин? Буни кейинроқ тушуниб оласиз...

Улар биргаликда тоғ чўққисига кўтарилади, мустаҳкам ўсимлик пояларидан ин қуради ва иккала

бургут ҳам танасидан ўз тумшуги билан патларини юлиб, инларини тўлдиради, барча тешиқларни ёпиб, уяни юмшоқ ва шинам маконга айлантиради. Она бургут бу ерга тухум қўяди ва иккаласи полапон бургутчалар дунёга келишини кута бошлади. Бургутчалар тухумдан чиққач (улар жуда кичкина, заиф ва яланғоч ҳолатда бўлади), ота-онаси уларни то бироз қувватта киргунича парваришлайди. Қанотлари билан ёмғирдан, қуёш нурларидан асрайди, уларга сув, озуқа ташийди ва бургутчалар аста катта бўлиб боради. Уларнинг патлари ўсиб, қанотлари ва думлари бақувватлашади. Ҳали бироз кичик бўлса-да, уларни пат қоплайди. Шу пайт ота ва она бургут вақт келганини англайди...

Ота бургут уя четига кўниб олиб, инни қанотлари, тумшуги билан уриб силкита-



ди. Қизиқ, нима учун? Чунки у уядан ҳамма пат ва момикни тушириб юбориши, бошида ўзлари шохшаббадан ясаган уянигина қолидириши керак. Полапонлар эса, ушбу қаттиқ, ноқулай уяда ўтиришар экан, нима бўлаётганини тушунишмайди ҳам: ахир ота-оналари уларга жуда ғамхўр ва меҳрибон эди-ку. Бу орада она бургут қаердандир кичик бир балиқчани тугиб келиб, атайин полапонларини кўриб туриши учун, уядан, чамаси, беш метр узоқликка кўниб олиб, уни аста майдалаб ея бошлади. Полапонлар уяда туриб чугурлаб, ўзича шикоят қилиб бақира бошлади. Ахир, илгари бундай эмасди-ку... Ота-онаси уларга емиш берарди, сув берарди. Энди эса ҳаммаси тамом бўлди: инлари қаттиқ ва ноқулай, ота-онаси эса уларга озуқа ҳам бермаяпти.

Нима қилиш керак? Ахир оч қолишди-ку. Индан чиқишга ҳаракат қилиш керакмикин? Шундай қилиб, полапонлар аста ҳаракатга кела бошлади ва илгари ҳеч қачон уриниб ҳам кўрмаган ҳаракатларни бажаради. Агар ота-оналари уларни эркатлашда давом этаверишса, улар кейинроқ ҳам ҳаракат қилишга журъат қилмаган бўлармиди...

Полапонлар уяларидан судралиб чиқа бошлади. Оҳ, мана, кичиккина полапон тушиб кетмоқда, ахир уя тоғ четиде, ноқулай харсанглар орасида жойлашган-ку. Полапон аввал силлиқ харсанг узра бироз сирғалиб, кейин жар-

увадаси чиққани, тирналган қўлидан қон сизиб оқаётганига парво қилмасди. Шу орада қишлоқ йигитлари келиб қолишди ва бефарқ қараб туришмади. Кўзларига қон тўлган жонивор оғзига тиқилган таёқчани ғажир, Тургун амаки бундан фойдаланиб бўйнига сиртмоқ солиб, тасмасини боғлашга уринарди. У ўлжасининг тинчиб, секин-аста етакка кўника бошлаётганидан хурсанд эди. Бироқ, хурсандчилик узоққа чўзилмади. Йўлга чиққач жонивор ҳар тарафга сапчир, охири ётиб олиб юришдан тамоман бош тортди.

Қош қорайиб бобо ва набира ҳалиги ўспирин йигитлар билан хайрлашаркан ўлжаларини қопга жойлаб, хушқайфият билан ортига қайтишди. Уларнинг юзларида табассум ва мағрурлик аломатлари пайдо бўлиб, барча чеккан ташвишлари унут бўлди. Қамишзор ва жарликдан шўх дарёнинг шовуллаши эшитилиб турарди.

Йўл-йўлакай болакайда қундуз болаларини ўғринча ов қилувчилардан асраш ва парваришlash истаги пайдо бўлди. Бобоси бунга розилик берди.

Тез орада ҳовли ўртасида ҳовузча барпо этилиб, жониворларнинг ҳаёт тарзи ва ривожланиши учун шарт-шароит яратилди. Кўп ўтмай она-бола қундузлар дарёдаги севимли гўшаларига кўйиб юборилди. Бу ноёб жониворлар махсус рухсатнома орқалигина овланади.

Табиятнинг севган, уни асраб-авайлаган кишилар қалбида она юртга бўлган меҳр ҳисси янада жўш уриши аниқ.

Муножат РАВШАНОВА



ликка томон қулайди. Ва шу пайт, қачонлардир она бургут улқотирган шохчаларни тугиб келтирган ота бургут ёрдамга шошади. У ўзини катта тезликда паства отиб елкасига полапончасини кўндириб қайтади. Бу ҳол бир неча марта такрорланади. Полапон ноқулай уя ва силлиқ харсангдан паства томон қулайверади, ота бургут уни тугиб келаверади.

Бургутларнинг бирорта полапони ушбу жараёнда ҳалок бўлмас экан.

Ва, ахирини, қулашларнинг қайси биридадир полапон бургутча ҳаракат қила бошлади. У ўз қанотларини ёйиб, шамол ёрдамиде парвоз қила бошлади. Шу тарзда бургутлар полапонларини учигга ўргатишади. Кейин эса, уларни ўзлари билан бирга олиб, озуқа топишни ўргатишади.

Бу биз учун фарзандларимизни тарбиялашимизда ажойиб ўрнақдир. Уларни иссиққина уяда эркатлаиб олиб ўтирмаслик жуда ҳам муҳим! Улар ўзлари балиқ туга олиш ҳолатига етганларида ҳам, уларни балиқ билан таъминлай-вермаслик нақадар зарур! Лекин, ўз кучимизни, вақтимизни, ақлимизни, бўлим ва кўникмаларимизни ишга солиб, ғамхўрлик билан, биз уларга учини ўргатмоғимиз лозим! Она бургут шохчани улқотирш орқали ўз фарзандларига ота танлаши бежиз эмас. Ахир у фарзандлари ҳалок бўлишини хоҳламайди. Шундоғам, бургутларнинг полапони бир-иккита бўлади, ҳолос. Кўп эмас...

Гавҳар НАСРУЛЛОҲ таржимаси

oilavajamiyat@mail.ru

ТОЖМАХАЛНИ ОРЗУ ҚИЛГАН ҚИЗ

Ҳиндистонга борсам албатта Тожмахални зиёрат қиламан! Сожида бу гапларни хаёлида ўз-ўзига айтди. Худдики тилига чиқарса, биров йўлини тўсиб: "Йўқ, у ёққа борма", деяётгандек пичирлаб айтди. Аммо онаси қизининг ишлагани кетаётгани ҳақидаги хабарни бир иккита қариндошларига айтди-ю, Сожиданинг боши панднасихатдан чиқмай қолди.

– Нима қиласан, ёш бошинг билан уёққа бориб. Биттагина қорнинг шу ерда ҳам тўяди-ку. Хорижга бориб, сарсон бўлган аёллар қанча, – дея дакки берди Умида холаси.

– Ҳой, қиз эсингни еганмисан, телевизорда кўрсатишяптику, у ёққа борган аёллар эркакларга сотилиб кетяпти, – деди ваҳима билан кичкина тоғаси. – Бормайсан, бизнинг, юзимизни ерга қаратасан.

– Хўп, майли, бормайман. Харажатларим учун пул бериб турасизми? Уст-бошимга қаранг. Телефонимни эса таниш-билиш ёнида қўлимга олгани ҳам уяламан. Оёғимдаги этикни ҳозир ҳеч қайси қиз кийиш уёқда турсин, қўлига ушлаб ҳам кўрмайди. Нима қилай, янги кийим олиб киелмасам. Ойим билан дадамнинг нафақаси рўзгордан ортмайди. Бир йил ишлаган пулимга ҳам уйларни таъмирлайман, ҳам битта машина олиб минаман. Қариндошлар бир тараф, Сожида иккинчи тараф бўлиб, ўз сўзида туриб олди. Отасини ҳам бир амаллаб кўндирди.

– Хорижга ишлагани кетган аёлларнинг ҳаммаси ҳам ёмон иш билан шуғулланмайди. Менинг ҳужжатларим тўғри, қонуний йўл билан олиб чиқиб кетишяпти. Уёққа олиб кетаётган одам ҳам бегона эмас, дугонам Дилдоранинг холаси бўлса...

Барча ҳужжатлар тахт бўлгач, Сожида Ҳиндистоннинг Хитойга яқин худудига учиб борди. У ерда уни кутиб олган Нозия хоним тўғри бир хонадонга олиб борди. Қасрга ўхшаган уйда опа-сингил яшар экан. Катта опада иккита, сингилнинг эса бир нафар фарзанди бор. Сожида бошига қўнган бахт қушидан жуда хурсанд эди. Хайрият, менга яхши жой учради, худо ғамимни еди, дерди шифтдаги қандилларнинг нуридан кўзлари қамашиб.

Кеч тушгач, Нозия хоним Сожидани уйнинг бекалари билан таништирди. Нима юмушлар билан шуғулланишини тушунтирди. Фақат уч ойгача маошсиз ишлашини, бу ерга келиш харажатларини опа-сингил кўтарганини айтди. Майли, уч ой бир зумда ўтиб кетади. Насиб бўлса қишга яқин қўлим пул кўради, ўзини-ўзи тинчлантириб, хизматга бел боғлади. Сожида уч ой ҳалол ишлади. У ота-онаси билан телефон орқали суҳбатлашиб, бу ерда яхши шароитда ишлаётганини, октябрь ойида биринчи машиини юборишини айтиб, анча енгил тортиди. Аммо ноябрь ўтиб, қиш яқинлашиб қолса ҳамки, маошдан дарак йўқ, Сожида бир неча марта катта опага пул сўраб ялиниб-ёлворди, аммо бир रुपий ҳам тутқазилмади. Уни уйидагилар билан ҳам гаплаштирамай қўйди. Совуқ, зах, қоронғу ертўлада яшагача мажбур бўлган қизнинг кундан-кунга ахволи оғирлаша бошлади. Аҳволи ёмонлашиб, уй юмушларига ярамай қолгач, катта опа уни Марям исмли бир аёлга сотиб юборди. Сожида бу жаҳаннамдан кутулганига шукр қилиб, Марямга ялинди.

– Жон опа, менга ҳеч қандай пул керак эмас, паспортимни беринг, юртимга кетай.

– Мана шу паспортнинг учун неча रुपий тўлаганими биласанми? Энди менинг қўлимда

– Ҳар куни икки мингта шиша идиш ювсанг икки маҳал, мингта ювсанг бир маҳал овқат ейсан. Оч қолмай десанг, чаққон-чаққон ҳаракат қил, – деди Марям. Сожида ҳар қанча ҳаракат қилмасин, икки маҳал овқат ейиш насиб этмади.

Воқеа ҳикоя

эртасига уйларига маҳалла мутахассиси Одина опа кириб келди.

– Эртага туман поликлиникасига бориб, тиббий кўриқдан ўтиб келинг. Ҳар қалай ўзга юрда бўлиб қайтдингиз...

– Опа, мен уёқда ёмон ишлар билан шуғулланмадим, – деди Сожида мутахассис опадан хафа бўлганини яширмай.

– Сизни номақул ишлар қилдингиз, деб айблаётганим йўқ. Ҳозир ҳамма хорижга чиқиб, ишлаб келяпти. Бу ҳукумат чиқарган қарор, тиббий кўриқдан ўтсангиз ўзингизга яхши.

– Бир, икки кун ўтсин, хордиқ чиқариб олай, кейин борарман, Сожида аёлни жўнатиб юборди. Орадан бир кун ўтиб, уйларига ҳамшира қиз етиб келди.

– Опа, эртага поликлиникага чиқиб кўриқдан ўтинг. Барча таҳлиллар бепул, – деди у.

– Ҳеч қандай касаллик юқтирганим йўқ. Нега бунақа ёмон хасталик учун таҳлил топшираман, – деди Сожида қўлидаги йўлланмага қараб.

– Бу шунчаки хавфсизлигингиз учун профилактика холос. Ҳозир ҳамма, ҳатто ҳомиладор аёллар ҳам ҳар уч ойда топшириб туришади.

Сожида ҳамшира қизнинг ҳам, маҳалладан келган аёлнинг ҳам сўзларини дарвоза ёнидаёқ унутди. Бу орада маҳалладан яна икки, уч марта вакиллар келиб кетишди. Сожида тиббий кўриқдан бош тортгач, маҳалла фаоллари ички ишлар бўлимига мурожаат қилишга мажбур бўлишди. Туман ички ишлар бошқармаси миграция бўлими масъул ходими Соҳибжон Олимов тиббий кўриқдан бош тортган фуқароларга нисбатан жиддий чора қўлланилишини тушунтиргач, Сожида туман кўп тармоқли поликлиникага борди. Аммо таҳлил натижалари унда ўпка рақининг яширин аломатлари борлигини тасдиқлади. Зудлик билан уни Республика онкология диспансерига қайта текширувдан ўтишга юборишди. Текширув ҳам ўпка рақининг илк босқичларини тасдиқлади.

Сожида бир ой давомида диспансерда ётиб, бепул даволанди. Секин-аста аҳволи яхшиланиб, ўзини енгил ҳис қила бошлади. Упкасини босиб ётган оғрик қамайиб, у яна олдинги ҳолатига қайтгач, унда яна меҳнат қилиш иштиёқи туғилди. Маҳалла мутахассисининг ёрдами билан туман бандликка кўмаклашиб бўлимига бориб, маслаҳат олиб келди. Улар, энг биринчи навбатда Сожидадан тиббий кўриқдан ўтганини ҳақида маълумотнома сўрашди. Сожида уларга маълумотнома ва керакли ҳужжатларни тақдим этгач, бир неча иш ўринларини тақлиф этишди.

– Бизда қайта касбга йўналтириш бўйича ўқув курслари бор. Олти ой ўқиб ҳам стипендия оласиз, ҳам сертификатга эга бўласиз, тақлимизни ўйлаб кўринг, – дейишди.

Сожида болалигидан ҳисобчи бўлишни орзу қиларди. Шу боис политехника касб-хунар коллежининг бухгалтерия ҳисоби йўналишини тугатган. Ана шу дипломга асосланиб ҳисобчилик курсида ўқиб, малакасини ошириб келгач, бандлик бўлимидаги ходимларнинг ёрдами билан бир корхонага кассир бўлиб ишга жойлашди.

Бугун Сожиданинг биринчи иш куни. Унга бир хонадан жой ажратиб беришди. Каттакон стол, ўзи учун компьютер, телефон. Тушлиқда ҳамма толганини бир дастурхонга қўйиб, бирга баҳам кўради. Сожида ҳақиқий Тожмахал ўз юртида эканини энди ҳис этди.

Нигора Алишер қизи

ЭЪЛОН

Шайхонтоҳур тумани 276-умумий ўрта таълим мактабидан 1994 йилда Газиев Эркин Васитович номига берилган АН 521021 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.

"Оила ва жамият" газетаси жамоаси мусахҳиҳ Сайдиғана Сайдолмовга жиянлари Содиқхўжа ва Исроилхўжа Сайдалиевларнинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

QO'L SOATLARINING TARIXI VA BUGUNI

Қуёшли кунда соя бўлади.
Қадимда одамлар вақтни билиш учун соядан фойдаланишган. Соат сифатида фойдаланилган устунлар Гномон деб аталади. Гномон – қуёш соати, соянинг узунлиги бўйлаб вақтни ўлчайдиган биринчи соат эди. Кейин эса қум соатларидан фойдаланишган.

ЭРКАКЛАР СОАТИ ҚАЧОН ЯРАТИЛГАН?

Қўл соатлари билан тақиладиган ва вақтни кўрсатиш учун хизмат килувчи қурилма бўлиб ўз тарихига эга.

Қўл соатини эслатувчи биринчи тақинчоқ 1571 йилда яратилган. Уша пайтда Граф Лестер Инглиз қироличаси Елизавета I га олмос ва марваридлар билан безатилган соат биллагузунки совға сифатида тақдим этади. Уша пайтдан бошлаб то XX асрнинг бошларида қадар қўл соати биллагузук деб аталди ва фақат аёллар учун мўлжалланган эди. Эркаклар учун биринчи қўл соати XIX асрнинг бошларида Евгения Богарне (француз шахзодаси) учун яратилган. Аммо уша пайтда бу гоё қадрланмаган. XIX асрнинг охирида, уруш шароитида



лар "Patek Philippe" нинг ноёб соатларини яхши сармоя сифатида баҳолайдилар. Келгуси йигирма йил ичида соатлар ишончли жойда сақланади ва кейин яна бир аукционда пайдо бўлади.

МУРАККАБЛИГИ НАРХИГА ТАЪСИР ҚИЛАДИ

Бахтиёр ЗУФАРОВ,
соатсоз уста.

Соат коллекционерлари дунёсида камдан-кам учрайдиган ноёблик юқори баҳога таъсир қилади. Бир киши йиллар давомида қўл меҳнати ёрдамида ишлаб чиқарадиган ягона нусхадаги соатлар нархи баланд бўлади. Соат механикасининг мураккаблиги ҳам унинг нархида таъсир қилади. Швейцарияда ишлаб чиқариладиган соатлар узоғи билан 10 та нусхада ишлаб чиқарилиши мумкин. Соат моделлари дизайнерлар томонидан тез-тез янгиланиб турилади. Шу сабабли йиллар давомида турли авлодга тегишли қимматбаҳо соатлар юзага келади.



Кимматбаҳо ва камёб нусхадаги соатларни тузатиш учун камида 3 ой вақт кетади. Соат Швейцарияга жўнатилади. У ерда махсус усталар томонидан текширилиб, муаммо ҳал қилинган, эгасига қайтарилади.

Махсус аппаратлар томонидан ясаладиган қўл соатлари кўп нусхада ишлаб чиқарилади ва нархи ҳам арзон бўлади. Чунки унинг ичига ишлатиладиган механизмларда пластмассадан фойдаланилади.

ҚЎШИМЧА БЕЗАК СИФАТИДА ТАҚИШАДИ

Бекмурод ИСЛОМОВ,
ўқитувчи.

Ўқувчилик пайтимизда қўлига соат тақиб, дипломат кўтарган юқори синф ўқувчиларига ҳавас қилар эдик. Қўл соати қайсидир маънода одамнинг воёга етганлигини, вақтнинг қадрига ета бошлаганини англатса, баъзан қарама-қарши жинс вакилларининг эътиборини қаратишга бўлган ҳаракат, деб ҳам қабул қилинган. Ҳозир одамлар соатга аксессуар сифатида қараб, кийимга қўшимча безак сифатида тақишади.

Мобиль телефонлари чиққанидан кейин қўл соатига бўлган эҳтиёж ўз аҳамиятини йўқотди. Одамлар соат тақмай кўйди. Ёшлар ва талабалар орасида соат таққанларни камдан кам ҳолатларда учратамиз. Менда соат тақишга эҳтиёж йўқ. Яқинда соат таққаним эсимдан чиқиб, вақтни билиш учун қўл телефонимни олаётим қўлимдаги соатга кўзим тушди. Соатнинг қиммат ёки арзонлиги мен учун аҳамиятсиз. Қиммат соат сотиб олмаيمان, пулни соатдан кўра муҳимроқ эҳтиёжларимизга ишлатишни маъқул кўраман.

Айни пайтда қизимга "Smart watches" қўл соатидан сотиб олиш ҳақида ўйлаяпмиз. Чунки бу соат ёрдамида фарзандимизни доимий назорат остида ушлаб туришимиз мумкин. Ҳатто унинг овозини эшитиб туриш имконияти ҳам мавжуд экан. Аммо унинг салбий томони ҳам йўқ эмас. Болани доимий назорат остида бўлиш зериктиради. Бу унинг психологиясига ёмон таъсир қилиши мумкин. Нотўғри гапириб юборсам дадам ёки онам эшитиб турган бўлишса-чи, деган

ТУРЛАРИ

Классик соатлар – қатъий дизайнга эга. Кўпинча ортиқча функциялар билан таъминланмайди.

Мураккаб соатлар – кўпинча керакисиз функцияларга эга бўлади

Спорт соатлари – оғир шароитларда фойдаланиш учун мўлжалланган. Ишлаб чиқаришда намликдан ва зарбалардан ҳимоя қилиш учун кучли материаллар ва қистирмалар қўлланилади.

Хронометрлар – юқори аниқлик ва барқарорлик соатлари.

Хронографлар – секундомер билан соат. Соат механизми ва секундомер бир-бирдан мустақил ишлайди.

Дизайнерлик соатлари – дизайнернинг махсус ишлари.

Турли шакл ва рангларга эга бўлади.

Заргарлик соатлари – ҳашаматли маҳсулот, дизайн соатларининг бир тури. Ишлаб чиқариш учун олтин, платина ва бошқа қимматбаҳо металллар, шунингдек, қимматбаҳо тошлар ишлатилади.

Ақлли соат – кенгайтирилган функцияларга эга бўлган соат, кўпинча уяли телефонга ҳамроҳ бўлади.

Мадина АЛЛАБЕРГАНОВА тайёрлади



чўнтак соати ишлатишнинг ноқулайлиги сабабли ҳарбийлар биллагига соат тақшни бошладилар.

КИМ ОШДИ САВДОСИ

Жорий йилнинг ноябрь ойида Женева шаҳрида ўтказилган "Only Watch" хайрия аукционида "Patek Philippe" да ишлаб чиқарилган ягона нусхадаги қўл соати 7,3 миллион Швейцария франки (7,26 миллион доллар)га сотилди.

Бу тарихда ҳеч ким ҳеч қачон соат учун тўламаган энг катта миқдор деб тан олинди. Қизиғи шундаки, ушбу соат олтин ёки платина эмас, балки пўлатдан ясалган. Бу шуни кўрсатадики, коллекциячи-



Oila va jamiyat
Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, "Болалар ва оналарни қўллаб-қувватлаш" ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир в.б.: Акбар ҚАРШИЕВ

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент – 100000.
Амир Темури кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.
Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 1236. Формати А-3, ҳажми 3 табоқ. Адади – 1895. Баҳоси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00

Навбатчи: Ч. Дўстматова
Мусаҳҳих: С. Сайдалимов
Саҳифаловчи: А. Маликов

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

ISSN 2010-7609



1 2 3 4 5